

Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим
Вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва Сув Хўжалиги
Вазирлиги

Тошкент Давлат Аграр Университети

КАСБ ПСИХОЛОГИЯСИ

Шошнужаманова
ишдаги шиларига
муваффақият ва
муваффақият ва
тилади Муаллимдан

ТОШКЕНТ - 2003

14.05.2004

Аннотация

Ушбу ўқув қўлланмада аграр хўжалик меҳнат фаолиятининг психологик таҳлили, қишлоқ хўжалигида меҳнат жамоасини ташкил қилишнинг хусусиятлари, меҳнат фаолиятига тайёрлашни режалаштириш, қишлоқда меҳнат фаолиятини бошқаришнинг психологик асослари, қишлоқ хўжалик фаолиятининг турлари ва уларнинг тузилиши, бошқарув меҳнат фаолиятида мақсаднинг роли, қишлоқ шароитида касбга саралашнинг хусусиятлари, меҳнат фаолиятида касбий меҳнатнинг ўсиши, меҳнат фаолиятига қишлоқ ёшларини тайёрлаш, касб психологиясининг моҳияти юзасидан маълумотлар умумлаштирилган.

Ўқув қўлланма касб – ҳунар коллежлари ва олий ўқув юрглари ўқитувчиларига, касб таълими йўналишининг бакалавриатура босқичи талабаларига мулжалланган.

Маъсул муҳаррир: М.Г.Давлетшин - Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, психология фанлари доктори, профессор

Такризчилар: Г.Ж.Бердиев - ТошДАУ «Педагогика ва психология» кафедраси, психология фанлари номзоди, доцент.
Х.О.Рухиева - ЎЗМУ «Ижтимоий психология» кафедраси, психология фанлари номзоди, доцент.

Илм ва ҳунарсиз халқнинг бойлиги, ери ва асбоби кундан — кун қўлидан кетганидек, ахлоқ ва обрўйи ҳам қўлдан чиқар, ҳатто дини ҳам заиф бўлур.

Маҳмудхўжа Бехбудий

КИРИШ

«Таълим тўғриси»даги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да касб — ҳунар ҳақида алоҳида маълумотлар мавжуд.

Касб — ҳунар эгалари қадимдан эъзозлаб келинган. Бизнинг давримизда уларга бўлган ҳурмат — эҳтиром янада ортди. Жонажон Ўзбекистонимизда билимдон, мустақил фикрловчи, ижодий изланувчи, юқори малакали, маданиятли, турли соҳалар бўйича моҳир усталар кўпроқ талаб қилинмоқда. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг қатор асарларида ва Вазирлар маҳкамаси қарорларида (Низомларида) мутахассис кадрлар тайёрлаш масаласига катта аҳамият берилмоқда ва улар ҳақида алоҳида ғамхўрлик қилинмоқда. Шу билан бирга, тор соҳадаги касбдан аста — секин кенг қамровли, универсал касбга ўтиш муаммоси илгари сурилмоқда.

И.А.Каримов «Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» асарида «Халқ таълимини тубдан ислоҳ қилиш, мазкур дастурни амалга ошириш биздан ниҳоятда катта куч, маблағ ва имконият талаб қилмоқда. Лекин истиқболимиз, иқболимиз кўзи билан қараганда, ҳам иқтисод, ҳам сиёсат, ҳам маънавият нуқтаи назаридан бу сарф — харажатларга назар ташласак, ундан келадиган манфаат ҳар қандай харажатларни қоплаши ва оқлаши муқаррар.

Ишончим комилки, Ўзбекистоннинг бутунги салоҳияти ва иқтисодий ҳолати, халқимизнинг ақл — заковати ва иродаси бу ўта маъсулиятли, шу билан бирга, шарафли, оддий қилиб айтганда, эл — юртимизнинг фаровон ва бахтли келажагини ҳал қилувчи вазифани муваффақиятли адо этишга замин ва имкон беради» деб таъкидлаб ўтган эди (19-бет, Тошкент, 1997).

Кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг муҳим омиллари «Миллий дастури» мизда алоҳида таъкидлаб ўтилган:

- республиканинг демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш йўлидан изчил илгарилаб бораётганлиги;

- мамлакат иқтисодиётида туб ўзгаришларнинг амалга оширилиши, республика иқтисодиёти асосан хом — ашё йўналишидан рақобатбардош пировард маҳсулот ишлаб чиқариш йўлига ўтаётганлиги, мамлакат экспорт салоҳиятининг кенгаётганлиги;

- давлат ижтимоий сиёсатида шахс манфаати ва таълим устуворлиги қарор топганлиги;

- миллий ўзликни англашнинг ўсиб бориши, ватанпарварлик, ўз Ватани учун ифтихор туйғусининг шаклланаётганлиги, бой миллий, маданий — тарихий анъаналарга ва халқимизнинг интеллектуал меросига ҳурмат;

- Ўзбекистоннинг жаҳон жамиятига интеграцияси, республикамизнинг жаҳондаги мавқий ва обрў-эътиборининг мустаҳкамланиб бораётганлиги.

Қуйида касб психологиясига оид илмий-амалий хусусиятли материаллар, мулоҳазалар, тавсиялар босқичма-босқич баён қилинади. Мавзулар бир неча қисмларга ажратилган ҳолда узвийлик, изчиллик, мантиқийлик тамойилларига (принципларига) риоя қилинган тарзда берилди.

«Илм ва ҳунар ўрганиш инсон учун энг зарур нарсалардан ҳисобланади. Ҳар қандай нарсанинг моҳиятини англаш, жаҳондаги воқеаларнинг яхши —

ёмон томонини билиб олиш, одамларнинг қадру — қимматини тўғри тушуниш, оиланинг фаровон янашини тўғри ташкил этиш, қисқаси, ҳар томонлама мукамал бўлиш учун илм ва ҳунар ўрганиш зарурий «Эҳтиёжлардан биридир» деб уқтирган аломаларимиздан Фахрулбанот Сулаймоний.

Касбнинг энг яхшиси кишининг
ўз қўли билан бажарилган иши
ва ҳалол саводидир.
Ҳадисдан

I БОБ. КАСБ-ҲУНАР ЭГАЛЛАШНИНГ ИЖТИМОЙ-ТАРИХИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАРИ

1.1. Ёшларни касб танлашга йўналтириш ижтимоий воқелик сифатида

Республикамиз аҳолисининг аксарияти агар хўжалик соҳаси билан шуғулланаётганлиги туфайли унинг тармоқларига оид мутахассисларни тайёрлаш учун касбнинг психологик хусусиятлари, меҳнат кўникмалари ва малакалари билан бўлғуси ихтисос эгаларини қуроллантириш муҳим ижтимоий вазифалардан биридир. Бўлғуси агрономни касбий тайёрлаш, касб-ҳунар олдига қўйиладиган талабларга мутаносиб инсонлар қилиб шакллантириш давлат аҳамиятига молик муаммо бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистоннинг иссиқ иқлим шароитининг биологик-тиббий жиҳатлари бирмунча ўрганилганлигига қарамай, уларнинг механизмлари, акселерация ҳодисаси, қишлоқ аҳолисининг жисмоний ривожланиши, меҳнаткашларнинг иссиқ шароитга мослашишлари, меҳнатни ташкил қилишнинг оқилона йўллари, меҳнат унумдорлигини оширишнинг самарали усуллари, экологиянинг ўзгаришига ўхшаш муаммолар қарийб ўрганилмаган.

Куйидаги мавзулар юқоридаги муаммоларнинг аксариятига жавоб беришга хизмат қилади. Инсон табиат муносабатини ўзида акс эттиради, шахс омили ва унинг ҳозирги даврда ишлаб чиқаришда ҳисобга олиш меҳнат самарадорлигини ошириш, касб маҳоратини такомиллаштириш учун негиз бўлиб ҳисобланади. Касб ҳунар моҳиятини очиб берувчи профессиограмма профессиография, психограмма асосида қишлоқ хўжалик мутахассисларини тайёрлаш учун аграр олиёғув юртли интилкилар лозим. Зеро, юксак технологияни бошқаришга лаёқатли, ижодий, мустақил фикрловчи, шахслараро муносабатларни ташкил қилишга ўқувчи мутахассислар етиштиришга эришилса эзгу ниятлар ижтимоий ҳаётда қарор топган бўлар эди.

Ижтимоий тараққиётни рўёбга чиқариш учун мамлакатда юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш ва уларни жаҳон стандартлари даражасига қўтармоқ лозим, фан ва техниканинг бугунги кун тараққитига жавоб бериш учун кенг савияли, билимдон, ўқувчи касбининг фидойи кишисини камол топтириш орқали давлатимизда безор иқтисодиётга бардош берадиган рақобатбардош маҳсулотлар яратувчи касб эгаларини шакллантириш жоиз. Токи улар давр талабларига оғишмай жавоб берадиган, қизиқиши кенг, малакаси мустақкам, хотираси барқарор, фикр юритиши пухта изланувчан, меҳнатсевар, ватапарвар, иймон-этиқодли инсонлар бўлиб вояга етишсин.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ўрта мактаб ўқувчиларининг ҳаммаси касб танлашга келганда оқилон ва тўғри йўл тутади, деб бўлмайди, албатта. Уларда баъзилари таваккаллигига иш тутсалар, айримлари ота она касбини танлайдилар ёки кўзга ташланиб турган яққол намуналарга тақлид қиладилар, гоҳо сеvimли кишилари изидан боришни мўлжаллайдилар.

Кўпчилик ўқувчилар таълим жараёнида фақат асосларини эгаллаб, муайян тасаввур ҳосил қиладилар ўзлари ёқтирган касб-ҳунарлар ҳақида ўйлайдилар.

Мактаб ўқувчиларининг майллари, ҳаваслари, интилишлари, хоҳишлари, мотивлари, эзгу-ниятлари хусусан касбкорга бўлган қизиқишлари, мотивлари, эҳтиёжлари туғилиши психология фанининг шахс муаммоси билан узвий боғлиқдир. Шахс психологиясини ўрганиш ўқувчиларни касб танлашга йўллаш демакдир. Ўқувчиларнинг индивидуал типологик хусусиятлари, ёши ва жинсини ҳисобга олган ҳолда уларнинг ҳар бирини оқилонга касбга йўллаш шахс психологиясининг муҳим вазифаларидан биридир. Бозор иқтисодиётга асосланган жамият куриш тўғрисидаги ҳужжатларда ўқувчиларни мустақил касб танлашга (ўз имкониятларини ўзи баҳолаш орқали) ўргатиш жуда муҳим ва зарур вазифа эканлиги таъкидланади. Шунга кўра психолог олимлар, методистлар, ташхис Маркази ходимлари кенг жамоатчилик билан биргаликда касбга доир билимларни кенг ташвиқот қилишлари, касб-кор танлашга оид йўл-йўриқлари ва методлар ишлаб чиқишлари, касб танлаш маслаҳатлари расмий шахобчалари кенгайтирилиши, профессиограмма, профессиография, психограммалар кўлами орттирилиши лозим. Бу борада Республика ташхис марказининг 2003 йил маълумотлари жуда қизиқарли ва баъзан мунозаралидир. Буларни қуйидаги рақамларда ҳам кўриш мумкин: Республика бўйича 9-синфларни битирган ўқувчиларнинг 8,00 %га саноат йўналишларига йўлланма берилган бўлса, уларнинг атиги 3% ўқишга жойлашган. Соғлиқни сақлаш соҳаларига эса 12,60% йўлланма берилган бўлса, амалда уларнинг 4,80 % ўқишга кирган. Маориф соҳаларига эса 9,60 % йўлланма берилган бўлиб, уларнинг 4,00%гина ўқишга жойлашганлар (Мактаб ва ҳаёт журнаliga илова 2003 йил, 24-39 бетлар).

Касб танлаш фаолиятини оқилонга ташкил этиш учун мамлакатимиз қайси соҳа мутахассисларига муҳтожлигини назарда тутиш ва шунга яраша мактаб ўқувчиларини уларнинг майли, интилиши, қилиқиши, имконияти, ақлий ва жисмоний қобилиятларига қараб,

ҳамда у ёки бу касбга яроқлилигини аниқлаб, сўнгра касбга йўллаш керак.

Ҳозирги даврда халқ таълими бўлимларида, ишла-чиқаришда, аҳолини иш билан таъминлаш муассасаларида, коллежлар ва Олий Ўқув Юртларида ёшларга касб танлаш йўлини кўрсатадиган махсус касб — ҳунар кабинетлари ташкил этилган. Бу борада Республика ташхис марказининг, ҳамда жойлардаги унинг бўлимларининг фаолияти ибратлидир. Бунда ташқари, малакали психололар ва педагоглар (шундан жумладан маҳалла тарбиячиси), мураббийлар муҳандислар ва техниклар ҳар бир касб-ҳунарнинг ўзига хос томонлари ҳақида малакавий маслаҳатлар ташкил қилишади.

Лекин ёшларнинг касб-ҳунар танлаши асосан ўрта мактабдан бошланади, шунга кўра ўқувчилар кичик жамоаси билан психололар олдида турли ёшдаги жинсдаги мактаб ўқувчиларини касбга қизиқтириш меҳнат қобилиятларини ривожлантириш, ички имкониятларини ишга солиш (ўзини-ўзи намоён этиш) каби муҳим вазифа турибди. Психологлар, бунда ташқари, ўқувчиларнинг ақл идроки, қобилиятларини ҳамда муайян касбга яроқлилиқ даражасини аниқлаш методлари, усуллари, технологияси, шакллари мезонлари ва таркибий қисмларини ишлаб чиқишлари шунингдек, бу соҳада илмий-тадқиқот ишлари олиб боришлари зарур.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки психология фани ўқувчиларнинг касб-ҳунар танлашига ёрдам берадиган, йўл-йўриқлар ва тавсиялар, мукаммал қўлланмалар, аксарият касб-ҳунарнинг профессиограммасини ҳали тўлиқ ишлаб чиққан эмас. Лекин шахс психологиясига оид амалий ва назарий материаллар етарли миқдорда яратилган. Шахс психологияси масалаларини ёритиш, яъни шахснинг билиш қобилиятлари, ақл-идроки, ақл-заковати индивидуал типологик хусусиятлари, руҳий ҳолатларини аниқлаш йўли билан унинг нималарга қодир, қанда

касб-хунарга яроқлиги тўғрисида аниқ фикр билдириш ва муайян тавсиялар бериш мумкин.

Кейинги йилларда ўтказилган кузатишлар Республикамизда ёшларни касбга йўллаш соҳасида талай камчиликлар борлигини кўрсатди. Буни биз виждотлар кесимида ҳамда Республика бўйича 9 синф битрувчиларига соҳалар бўйича тавсияномалар беришда кўрдик.

Дарҳақиқат, мактабда ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис ишларини амалга оширишдаги дастлабки қадамлар бошланди. Ўйлаймизки, ана шу дастлабки қадам мактабларда касб-хунарга йўналтириш ишларини олиб борувчи мутахассис ҳамда ўқувчиларни касб-хунарга қизиқиши, мойиллиги ва лаёқатини аниқлаш билан шуғулланадиган мактаб амалиётчи психологи штатларни ташкил этишдан иборат бўлиши лозим. Чунки, бу мутахассисларсиз мактабда мазкур ишлар ҳақида гапириш ҳам мумкин эмас. Мактабда олиб борилаётган касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис ишларининг самараси бевосита шу икки мутахассиснинг олиб бораётган ишларининг кўлами, уларнинг савияси ва малака кўрсаткичи ҳамда фаолиятининг аниқлигига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлишлиги барчамизга аёндыр.

Оммавий касбларга бағишланган ўқув-услубий адабиётлар ва касб-хунар тўғрисидаги кинофильмлар, справочниклар камлиги, психологик-диагностик тадқиқотлар ўтказишга ёрдам берадиган замонавий аппарат ва асбоблар билан таъминлаш яхши йўлга қўйилмаганлиги, шахснинг муайян касбга яроқлигини аниқлаш борасида илмий-тадқиқот ишлари етарлича олиб борилмаётганлиги шундай камчиликлар жумласига киради.

Ўқувчиларни мустақил меҳнат фаолиятига пухта тайёрлаш ва уларнинг касб-хунарини ўз қобилиятларига яраша тури танлашларига эришиш учун мактаб ўқитувчиларининг педагогик маҳорати, билим савияси, дидактик (шунингдек, академик, ташкилотчилик,

перцептив ва ҳ.к.) қобилиятлари юксак бўлиши, фан асосларини турмуш билан боғлаб ўрганилиши, тўғарак ва қўшимча, ёрдамчи курслар оқилона уюштирилиши, мактабларда касб-хунар тўғрисида маърузалар ўқилиши, суҳбатлар, мунозаралар ўтказилиши, саёҳатлар, учрашувлар, касб-хунар фотокўргазмалари ташкил қилишлари зарур.

Илк ўспиринлар ва катта ўқувчиларнинг касб танлаши катта ҳаётий аҳамиятга эга бўлган ҳам шакл ҳам ижтимоий муаммо бўлганликтан бу жараёнда оилалар, жамоатчилик ва турли касб усталари ҳам қатнашишлари керак. Чунки ёшлар кўп ҳолда касб катталарининг маслаҳатлари ва тавсияларини ҳисобга олган ҳолда қатъий шир фикрга, қарорга келишлари мумкин.

Шунинг ҳам айтиб ўтиш ўринлики, мактаб ўқувчилари касб танлаш борасидаги ўз қарорларини, кўпинча, ҳар томонлама далиллаб бера олмайдилар, бироқ уларнинг кўпчилиги бу масалага оғир равишда ёндашишга интиладилар.

Мактабдаги касб-хунарга йўналтириш ишларининг самарали бўлишини мактабнинг касб-хунарга йўналтириш хонасисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Мактабнинг касб-хунарга йўналтириш хонаси «Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш хонаси тўғрисидаги Низом» асосида ташкил этилади ва жиҳозланади. Мазкур низомда мактаб касб-хунарга йўналтириш хонасининг вазифалари, унда ўтказиладиган тадбирлар, стэнд ва унда қандай маълумотлар бўлишлиги ҳақида айтиб ўтилган. Мактабнинг касб-хунарга йўналтирувчи мутахассиси мазкур хонанинг мудир ҳисобланади.

Мактаб касб-хунарга йўналтирувчи мутахассисининг асосий вазифаси ўқувчиларни касб-хунарга йўналтиришни таъминловчи барча маълумотлар банкни яратишдан иборат. Бу мақсадда касб-хунарга йўналтирувчи мутахассис туман (шаҳар) таъхис Марказидан олган касбий ахборотлар, касблар руихати

касбнифи, ҳудудий касблар рўйхати, касбларга бўлган эҳтиёж ва бошқа касбий ташхис методикалари, тавсия ва йўриқномалардан фойдаланилади. Мактаб касб-ҳунарга йўналтирувчи мутахассиси томонидан ўқувчиларни касбий қизиқишларини ривожлантириш, касблар ҳақидаги маълумотларни тўлиқроқ англаб олиши шунингдек, уларнинг касб танлашдаги реалликни вужудга келтириш мақсадида мактабда илғор касбчилари, касб фахрийлари, касб сулоалари билан учрашувлар, давра суҳбатлари, кечалар ва маърузалар ташкил этилса мақсадга мувофиқ бўлади. Ушбу тадбирлар ўқувчининг шу касбга бўлган қизиқишини янада қатъийлашини вужудга келтиради.

1.2. Буюк аجدодларимиз касб — ҳунар тўғрисида.

Касб-ҳунар эгалари қадимдан эъзозланиб келинган. Бизнинг давлатимизда уларга нисбатан ҳурмат-эҳтиром ўзлигимизни англаш туфайли янада жамиятимизда билимдон, мустақил фикрловчи, юқори малакали, маънавиятли, моҳир касб эгалари тобора кўпроқ талаб қилинмоқда. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати Қарор ва Низомларида мутахассис кадрлар тайёрлаш масаласига катта аҳамият берилмоқда ва улар ҳақида алоҳида ғамхўрлик қилинмоқда. Шу билан бирга, тор соҳадаги касбдан аста-секин кенг қамровли универсал касбга ўтиш муаммоси, ғояси илгари сурилмоқда. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да кўрсатиб ўтилганидек, меҳнат ва касбий тайёргарлик сифатини янада яхшилаш, узлуксиз таълимнинг фаол методларини қўллаш, янги педагогик технологияни амалиётга тадбиқ этиш, таълим ва тарбия бирлиги тамоилини собитқадамлик билан амалга ошириш лозим.

Шарқ мутафаккирлари таълимотида ўғил ва қизларга таълим ва тарбия бериш, уларга касб-ҳунар ўргатиш ғояси муҳим ўрин эгаллайди. Қадимий анъаналаримизга биноан ҳунарманд ва касб, меъмор ва наққош, деҳқон ва чорвадор, тўқувчи ва нонвой устоз-

шогирд муносабатларини амалга ошириб келмоқдалар. Доно ҳалқимиз «Устозидан ўзмаган шогирд – шогирд эмас», «Хунарли киши асло хор бўлмас», «Устоз отадек улуғ», «Таълим берган устозингдан айрилма» сингари мақолаларни ижод этганлар ва фарзандларининг баркамол бўлиб улғайишини орзу қилганлар.

Буюк қомусий олим Абу Наср Фаробий касб-хунар тўғрисида илк фикрларини билдириб, қимматли маслаҳатлар берган, чунончи, таълим – сўз ва кўникмалар мажмуи, тарбия эса амалий малакалардан иборат иш – ҳаракат эканлигини, муайян касб-хунарга берилган, у билан қизиққан кишилар шу касб-хунарнинг чинакам шайдоси бўлишини айтган. Бу мулоҳазалардан англашилиб турибдики, касб-хунар инсоният учун азалдан жуда зарур ҳаётий восита бўлиб келган.

Буюк қомусий олим сифатида барча ҳодисаларнинг моҳиятини илмий жиҳатдан очиб беришга ҳаракат қилган шарқ мутафаккирларидан бири – Абу Али Ибн Синодир. Унинг педагогик – психологик қарашлари илмий асосда қурилган бўлиб, у боланинг феъл – атори ва тасаввурларини шакллантиришда умуминсоний ғоялар қўлланишини яратган ҳамда мураббий, ота-оналарга уни қаттиқ таъжасидан кўра, шахсий ибрат орқали вояга етказиш маъқуллигини кўрсатган. Мутафаккирнинг «Донишнома», «Рисолаи ишқ», «Уй хўжалиги», «Тиб қонунлари» асарлари мамлакатимиз халқлари одоб-ахлоқ психологияси ва таъбабат оламида алоҳида ўрин тутди.

Мутафаккирнинг меҳнатсеварлик тарбияси борасидаги фикрлари ҳам диққатга сазовордир. Жумладан, у ҳар бир болани бирор хунарга ўргатмоқ шарт, дейди. Ёш йигит бирор хунарни ўрганса, уни ҳаётга татбиқ эта олса ва мустақил хунар туфайли оилани таъминлайдиган бўлсагина, отаси уни уйлантириб қўймоғи лозим, деб ҳисоблайди. Ўспирин хунар эгаллаши билан унда нафақат ахлоқий ҳислар

илки характернинг иродавий хислатлари ҳам таркиб топа бошлайди. Хунар эгаллаш орқали ўспиринларда шайхона – бардошлик, чидамлилик, меҳнатсеварлик, ишбилармонлик, тadbиркорлик, зукколик каби инсоний сифатлар шаклланади.

Ибн Сино ҳар бир инсоннинг миждозидан келиб чиққан ҳолда унга алоҳида эътибор бериш кераклигини таъкидлаши туфайли жуда катта амалий иш қилганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Унинг фикрича, ҳар бир инсон фақат унга тегишли бўлган хусусиятларгагина эгадир, унга ўхшаган инсонлар камдан – кам бўлади.

Ҳозирги даврда ҳам алломанинг фалсафий – психологик қарашлари, ижтимоий ҳаётимизда ўз қимматини йўқотгани йўқ. Унинг тарбия ва миждоз хусусидаги фикрлари алоҳида аҳамиятига эга бўлиб, шахслараро муносабатлар этикасига муносиб ҳисса бўлиб қўшилган. Олимнинг фалсафа, мантиқ, психология, сиёсий – ижтимоий фанлар бўйича бизга мерос қилиб қолдирган асарлари башарият учун дастуриламал сифатида хизмат қилади. Бу борада М.Г.Давлетшин ва К.Қ.Мамедовларнинг «Ибн Синонинг психологик қарашлари» (Тошкент Давлат Аграр Университети-2002 йил) рисолалари диққатга сазовордир.

XI асрнинг буюк мутафаккири Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг «Кутадғу билиг» асарида инсон ва унинг ҳаётига оид қарашларини таҳлил қилган. У одамнинг Оллоҳ томонидан яратилганлигини ҳамда одамнинг дунёга келиши ва унинг келажакда қандай одам бўлиб вояга етиши аждоди ва келиб чиқишига, ҳаётда шуғулланаётган фаолиятига, атрофга нисбатан муносабатларига боғлиқлигини айтиб: «Кимнинг насли отадан бошлаб тоза бўлса, ундан элга яхшилик, кўп манфаатлар келади» деб ҳисоблайди.

Истеъдодли шоир, етук тарихчи, моҳир таржимон Муҳаммад Ризо Оғаҳий ўзининг ижодий фаолиятида ўғил ва қизларнинг ақлий, ҳиссий ва жисмоний имкониятларини ғоят зийраклик билан кузатган ҳолда,

уларнинг феъл атворларини тезроқ билиб олиш, салбий ва ижобий сифатларини осонроқ аниқлаш, ёқимсиз хатти — ҳаракатларини бартараф ўгиш мумкин, деган хулосага келади. Огаҳий ўз давридаги касб — ҳунар соҳалари, халқ удум ва анъаналарига ўзининг қимматли фикрларини билдирган. У халқ анъаналари ҳамда урф — одатлари тўғрисида изоҳлар берар экан, турли касб усталарининг инсон камолатидаги аҳамиятини бирма — бир таърифлаб беради.

XII-XVI асрларда яшаб ижод этган мутафаккир аломалардан Жалолиддин Румий, Абу Райҳон Беруний, Мир Алишер Навоий, Хоразмий ва бошқаларнинг асарларида, қўлланмаларида, фалсафий-психологик мулоҳазаларида турли касбларга оид дурга тенг бўлган фикрлар талайгина.

XX асрнинг етук маърифатпарвари Абдулла Авлонийнинг 1913 йилда ёзилган «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ» асарида бола тарбияси, унинг ижтимоий аҳамияти фалсафий — педагогик жиҳатдан тушунтирилиб берилган. Олим таълим ва тарбия жараёнида оила ва жамоатчиликнинг ўрни уларнинг ўзаро ҳамкорлигини улуғлайди. Унинг талқинига қараганда, баркамол шахснинг кўп қиррали билимларга эга бўлиши, яхши бир касб — корнинг сирларини эгаллаши кўп жиҳатдан ижтимоий муҳит билан оилавий шароитнинг уйғунлигига боғлиқлигини таъкидлайди.

Шарқ мутафаккирларидан қолган қимматли маънавий бойликнинг ҳар бир сатрини очиб таҳлиқ қилганимизда уларнинг инсон камолати, маънавияти ва меҳнатсеварлик хислатларига, болалар ва ёшларни баркамол инсонлар қилиб шакллантириш ва касб — ҳунарга ўргатишга тааллуқли ибратли, қимматли мулоҳазалар олса бўлади. То ҳозиргача сақлани келаётган қатор меъморий иншоотлар, буюк тарихи обидалар, халқ амалий санъати асарлари (наққошлик, ганчкорлик, меъморчилик) археологик изланишлар туфайли топилган ҳунармандчилик буюмлари буларнинг барчаси буюк аждодларимизнинг касб

хунар ўргатишда, ёқоқак ва ёрқоқидан қабиланинг ҳақиқи
булинишига оид бебаҳо маънафатлар қўширилганлигини
муҳассаслаштирилади.

Хатқилимда ақалдан оид бўлган қабиланинг бири —
бири билан қилишувини ҳунар ва ҳунар сўрашидан,
муомала мароғидан бошлаб, қасб — ҳунар, қасб —
корни аниқлаш ва исботи билан қилади. Шу билан ҳар
бир фуқаро, яққа янах олдига «Дунёда қай аҳволда
иншадим (ҳаёт ва фаолият ишқилиги), қандай баройиб
ишларни (меҳнат маҳсулининг сифати, ўзининг
мангуликка дахлдорлиги) амалга оширдим?», Ўз
тақдиримдан (турмуш стратегияси ва тактикаси назарда
тутилмоқда) хурсандманми? Олдимда турган
назифаларни (режалаштириш, назорат қилиш, баҳолаш,
текшириш кабилар тасаввур этилади) амалга ошира
олдимми, кўзлаган мақсадимга (мақсад кўзлаш, уни
рўёбга чиқариш, омилкор воситалар танлаш ва татбиқ
қилиш мажмуасига) эриша олдимми? Каби саволлар
туғилиши ва муаммоли масалалар келиб чиқиши табиий
ҳол. Шунинг учун шахсни (бўлғуси қасб субъектини)
ўрганиш чоғида унинг таржимаи ҳолига (биографиясига)
жиддий эътибор бериш, у билан пухта танишиш, қандай
жамоат ишларида қатнашганлигини (статус, мавқе,
роль, ташкилотчилик қобилияти тўғрисида маълумот
олиш) ва шу кунгача эгаллаб келган лавозимини
(қасбий вазифа, унга яроқчилиги хусусиятларини)
диққат бади текшириш, у ёки бу амал кураисига
тежинқилиш ва аниқлаш мақсад ва унинг қобилиятларига
(қасбий савобий турғилишларини) эдилони баҳо бериш
лозим бўлади. Шу ҳақида етук руҳия мутахассиси
Жалолиддин Румийнинг қуйидаги ибратомуз
фикрларини келтиришни жоиз деб билдик. «Сен ҳамма
нарсани унутганининг мумкин, ёлғиз бир нарсани —
нечун дунёга келгансан, шунинг унутмасани бас. Ўзингни
эрзон сармоясан, нунда баҳонинг баланд». Ушбу
қумлағарини ёлғизлик қилувчилар учун етарли маълумот бор
деб ўйлашди.

Носир Хисравнинг қуйидаги тўртлиги илм —
хунар ўрганувчилар учун ибратлидир назаримизда:

«Билим қидиришга урдим бошимни,
Бекорга ўтказмадим умримни бир дам.
Қайдаки эшитсам илму донишни,
Эшиги тагида ўлтирдим маҳкам»

Хунарингдан бир кун етарсан бахтга,
Хунарсиз ким етар тож ила тахтга.
Низомий Ганжавий

II БОБ. КАСБ ПСИХОЛОГИЯСИНИНГ ТАДҚИҚОТ МЕТОДЛАРИ

2.1. Кузатиш методи

Аввало методлар ҳақида икки оғиз сўз. Метод сўзи — юнонча *methodos* бўлиб тадқиқот, текшириш деган маънони беради. Назаримизда юқоридагиларга яна йўл, усул сўзларини ҳам киритиш мумкин. Методлар тадқиқот ишларида ҳам, билим беришда ҳам қўлланилади. Ушбу бобда билим бериш методлари ҳақида эмас, балки фан учун, унинг ривожланиши учун зарур бўлган маълумотларни тўплашдаги қўлланиладиган тадқиқот методлари ҳақида сўз боради.

Психология фанининг эмпирик (амалий) методлари туркумидан муҳим ўрн эгаллаган, диагностик хусусиятли методларидан бири — кузатиш методидир. Мазкур метод фанимизнинг энг қадимги тадқиқот воситаси бўлиб ҳисобланиб, узоқ ўтмиш замонидан то ҳозирги давргача илмий изланувчиларнинг асосий текширув қуролидан бири бўлиб, кенг қўламда фойдаланиб келинмоқда. Лекин бугунги кунда унинг объекти, кўлами янада кенгайди, мураккаб психологик жараёнлар, ҳолатлар, ҳодисалар кечинмалар, фаолият ва муомала хусусиятларини

ўрганиш имконияти туғилди, сифат ҳамда мазмун жиҳатидан катта ўзгаришлар юзага келди.

Кузатишнинг технологияси такомиллашди, унинг янги шакллари, воситалари, усуллари пайдо бўлди, холисоналик (объективлик) даражаси ортди, иншончилигини ифодаловчи мезонлар, ўлчовлар яратилди. Бунинг натижасида кузатиш психология фанининг универсал тадқиқот методлари қаторига кириб, унинг барча соҳаларида қўлланилмоқда, айниқса, табиқийлиги имкониятининг юксаклиги, статистик ҳисоблашга берилувчанлиги хусусияти билан бошқа методлардан ажралиб туради. Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда унинг ёритилмай қолиб кетган жиҳатлари, таркиблари, ёрдамчи жабҳалари юзасидан мулоҳаза юритамиз.

Кузатиш методининг технологияси қуйидагилардан ташкил топади:

- воқелик (атроф — муҳит, инсон шахси)ни кузатиш оқимини муайян қисмларга, йўналишларга ажратиш (немисча — лотинча «квантификациялаш», яъни энг зарур, биринча даражали жиҳатларини саралаш);

- кузатишнинг кўлами (ҳажми), хусусияти ва ўзига хослигини аниқлаш, яъни унинг нималарга қаратилганини белгилаб олиш;

- кузатиш жараёнида барча ҳолат, ҳодиса, аломат ва ташқи қиёфа, кўринишнинг ўзига хослигини қайд қилиш (уларни ёзма нутқда ифодалаш, яъни французча лотинча «фиксациялаш»);

- кузатиш давомида тўпланган омиллар, маълумотлар, натижаларни математик статистик методлар ёрдами билан ҳисоблаб чиқиш ва миқдорий таҳлил якунлари бўйича психологик сифат талқинини амалга ошириш.

Психологик кузатиш олиб боришдан кўзланган мақсад мана булардан иборат:

- кузатилувчи вазият, ҳолат ва объектни мақсадга мувофиқ танлаш, унинг оқилона эканлигига ишонч ҳосил қилиш;

- кузатишнинг дастурини ишлаб чиқиш, уни амалиётга татбиқ қилиш, схематик ифодаланишни яратиш, йиғилган натижаларни чизма асосида акс эттириш.

Кузатишнинг объекти ва предмети қуйидаги тузилишга эга:

- кузатишнинг объекти — инсон, гуруҳ, жамоа ва шахслараро муносабатлар, эмоционал — ҳиссий кечинмалар, ҳайвонот олами, шахснинг фаолияти, ижодиёти, муомаласи кабиларни ўрганишдан иборатдир;

- кузатишнинг предмети — инсоннинг хилма — хил ҳолати, жараёни, ҳаракатининг кучи, жадаллиги, узлуксизлиги, динамикаси, ўзига ҳослиги, унинг ҳамкорликдаги ҳаракати, ундаги онглилик, онгсизлик, онгости ҳолатларининг кечиши, фаолият ва муомала кабиларни экстериоризациялашдан ташкил топгандир;

- амалий ва гностик ҳолатлар; нутқ актлари маъноси, мазмуни, моҳияти, йўналиши, частотаси, ритмикаси, темпи, амплитудаси, давомийлиги, интенсивлиги, экспрессивлиги, унинг лексикаси, грамматикаси, фонетикаси, лингвистик қурилиши ва бошқалар;

- новербал нутқ ифодаси: мимика, пантомимика ва вокал мимикаси (мусиқа маъносини тана аъзолари орқали ифодалаш);

- вегетатив реакцияларнинг кўриниши: рангнинг қизариши, оқариши, терлаш, нафас олишнинг тезлашуви, секинлашуви ва қийинлашуви.

Кузатишнинг босқичма — босқичлилиги тадрижийлиги (иерархияси) таркиблари қуйидагиларда ташкил топади:

- кузатишнинг мақсади, вазифалари, дастури қайдномаси: бунда умумий талабларга риоя қилиш, яхлит қайд қилиш, кундалик, техника воситалари

(фактик ҳолатлар), натижаларнинг таҳлили, талқини ва гуяларни илгари суриш.

Кузатишни ифодалаш услублари: тажрибаларда тўйланган маълумотларни аломат, белги ва символика орқали акс эттириш (пиктограмма, чизги, жадвал, анаграмма) ва турли шакл, хусусиятли баённомалар, қайдномалар юзага келтириш.

Психология фанида кузатишнинг қуйидаги турларидан фойдаланиш мумкин: изчил, эпизодли, дала шароитли, лабораториявий-сунъий, табиий, хронологияли, даврий, бир мартали кабилар.

Инсоннинг меҳнат фаолиятини кузатишда қуйидаги воситаларни қўллаш мақсадга мувофиқ:

- Ф.Гилбертнинг «Иш куни фотографияси» методикаси (расмларда ифодаланган ишчининг ҳаракатини кузатиш, кўздан кечириш орқали уларни таҳлил қилиш (саъи — ҳаракатлар бўйича тизим вужудга келтириш, улардаги ўзгаришларга биноан муайян кетма — кетликда жойлаштириш);

- А.К.Гостевнинг хронокартаси (икки ёки уч марта ярим соатдан сменада ва сменадан кейин текширув ўтказиш);

- талабаларда дарс бошида, ўртасида ва охирида ёки бошқа вазиятларда: ёрдамчи юмуш билан шуғулланиш ҳолати, дам олиш, уйқу ва шу кабилар.

Кузатиш методининг бир неча хил шакллари мавжуд бўлиб, вазифаларига қараб уларнинг ҳар биридан фойдаланиш мумкин: аралашиб яширин кузатиш, кузатилувчининг психолгик портретини яратиш, аралашиб ошқора кузатиш (ўсмирларда юқори натижалар беради), хулқ - атвор портретини таҳлил қилиш ва ҳоказо.

Кузатилган объектни қайд қилишнинг турлари ва воситалари мавжуддир: кундаликлар, фото, видео, киноаппаратларнинг маҳсуллари, воқеликнинг мусаввир гомонидан фактик ифодаланиши, таъкидловчи, таъбирловчи, умумлаштирувчи хусусиятлар мажмуаси.

Кузатиш натижаларини умумлаштиришда маълумотлар миқдор ва сифат жиҳатидан таҳлил қилинади, тажриба якунлари бўйича ғоялар, умумлашмалар, хоссалар, қонуниятлар, механизмлар, ҳолатларнинг илмий психологик талқини амалга оширилади.

Кузатиш якунида тўпланган маълумотлар илмий ҳисобат сифатида муайян қоидаларга асосланган ҳолда қуйидаги тартибда жойлаштирилади: кириш, методикаларнинг таснифи, натижаларнинг босқичма — босқич таҳлили, уларнинг муҳокамаси, изланишларнинг хотимаси ва хулосалари, амалий хусусиятга эга бўлган тавсиялар, кўрсатмалар берилиши, фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати ва ниҳоят иловалар (ҳар бир қисм ўзига хос якунланган, тугалланган маъно англатиши лозим).

Кузатиш методи ёрдами билан ҳатто низоли (конфликтли) вазиятларни кузатиш ҳам мумкин. Низоли вазиятлар турли — туман бўлишидан қатъи назар кузатиш жараёнида ушбу ҳолатларга эътибор бериш зарур: низонинг моҳиятига кириш, низонинг кучайиши ва унинг ташқи ва ички омиллари, низони пасайтиришга қаратилган таъсир ўтказувчи воситалардан фойдаланганлик, низо ечимининг топилиши, низоли вазият бартараф қилингандан кейинги психологик ҳолатнинг таснифи.

Кузатиш жараёнида Р.Бейлзанинг интеракция методикасини (баҳс, мунозара жараёнида ўзаро таъсир ўтказиш имкониятини аниқлаш учун) қўллаш ижобий натижалар беради:

- умумий муаммо моҳиятига гуруҳ аъзоларини йўналтириш;
- гуруҳ аъзолари томонидан муаммони ечиш йўларини баҳолаш;
- баҳс (мунозара, дискуссия) жараёнини назорат қилиш;
- умумий фикрга келиш учун гуруҳий қарор қабул қилиш;

- муаммо ечимига эришишдаги гуруҳ аъзоларининг бирдамлиги ва ҳамжиҳатлиги.

Кузатиш якунлари бўйича умумпсихологик хулосалар чиқариш, миллий, этнопсихологик, ҳудудий хусусиятларни қатъий равишда шарҳлаш, ёш даврлари, жинсий хусусиятларига тааллуқли мулоҳазалар билдириш — психологик билимларнинг бойишига олиб келади. Тажрибаларда, кузатишларда тўпланган материаллар қийматини ошириш учун вужудга келган барча омилларни психологик таҳлил қилиш, статистик методлардан унумли фойдаланиш зарур, токи бу мезонлар маълумотларнинг илмийлик даражасини юксалтиришга хизмат қилсин.

Кузатиш натижаларини миқдорий таҳлил қилишда статистик методларни қуйидаги тартибда қўллаш лозим:

- олинган натижаларни фоизлар бўйича ҳисоблаб чиқиш;
- тўпланган маълумотларнинг ўртача арифметик қийматини топиш;
- сон қаторидаги ўртача квадрат оғишни ҳисоблаш (сигма);
- сон қаторидаги миқдорлар тарқоқлигини аниқлаш (дисперсия);
- омиллар ўртасидаги муайян муносабатлар мавжудлигини (корреляцион) таҳлил қилиш;
- маълумотлар, методикалар ишончилилик даражасини аниқлаш учун Стьюдент мезонидан фойдаланиш лозим.

2.2. Тест методи

Илмий психологик манбаларда қайд қилинишига кўра, интеллект-лотинча сўздан олинган бўлиб, у одатда лқд — идрок, англаш, тушуниш, фаҳмлаш деган маънони англатади. Бизнингча, интеллект шахснинг муайян даражада мустақкам, барқарор ақлий қобилиятлари мажмуаси тузилишидан иборатдир.

Ўз даврида АҚШлик психолог Ф.Фримен интеллект олти таркибдан иборат, деган ғояни илгари суради ва уларни қуйидагича тартибда жойлашувини кўрсатиб ўтади:

- сонли операцияларига нисбатан қобилиятлилиги;
- луғат бойлиги кўлами;
- геометрик шакллар ўртасидаги ўхшашлик ва фарқли томонларини ажратишга нисбатан уқувчанлик;
- шахс нутқининг тезлиги ёки суръати;
- шахснинг фикрлашга, мулоҳаза юритишга нисбатан қобилиятлилиги;
- хотиранинг маҳсулдорлиги ёки ноёб ҳислатлилиги.

Яна бир салоҳиятли психолог Л.Тёрстоун умумий интеллектнинг турли жабҳаларини тадқиқ қилиб, уларни умумлаштириб «бирламчи ақлий потенциаллар» деб атади. Муаллиф етти хилдаги потенциаллар ўзаро фарқланишини таъкидлаб ўтади:

- инсоннинг ҳисоблаш қобилияти кўрсаткичи;
- оғзаки сўзни ихчам ифодалашининг кўрсаткичи, нутқ ёрдами билан тез ўқиш ҳадисини эгаллаганлиги;
- оғзаки маълумотларни тўла идрок қилиш ёки идрок қилинган сўзларни тушуниш, англаш;
- фазовий операцияларни амалга ошириш имконияти ёки шахснинг чамалаш қобилияти (уқувчанлиги);
- хотиранинг мустаҳкамлиги ёки унинг барқарорлиги;
- фикрлашга, мунозара юритиш қобилиятлилиги;
- шахс идрок қилишининг тезлиги ёки унинг суръати.

Француз психологи Т.Рибо идрок кўламининг кенгайиши, билимларнинг кўпайиши, диққатни би вақтнинг ўзида бир неча объектга қарата олиш — инсо

интеллекти тараққиётига олиб келади ва у уч босқичдан иборат бўлиши мумкин эканлигини таъкидлайди:

- шахс имитацияси ёки унинг ташқи тақлиди,
- инсон идентификацияси (ўқувчининг билимларини ўзига сингдириш жараёни, унинг шахсий фазилатлари ва хусусиятларини ўзлаштириб бориш ва бошқалар),
- рефлексия (инсон ўзини — ўзи англаш ҳамда бўлғуси фаолиятни амалга ошириш, муайян режалар тузиш, уларни мақсадга мувофиқ ҳаёт ва фаолиятга татбиқ этиш имкониятлари туғилиши кабилар).

Ш. Бюлер интеллектуал тараққиёт куйидаги босқичлардан иборат бўлиши шарт деб ҳисоблайди:

- синкретизм (тушунчаларни бир — бирдан ажрата олмаслик ҳолати);
- агглютинизм (мактаб ёшига яқин болаларда фантазиянинг кучайиши, вақтни ноадекват, нотўғри идрок қилиш, ҳар бир образларни муайян бўлакларига биноан бир умуиятга яхлитлаш, бирлаштириш);
- хаёлот (ижодий хаёл) ёрдамида инсон ўзи туғилиб ўсган Ватанига бирон — бир жиҳатдан ёрдам бериши;
- реализм (реализм, яъни атроф муҳитдаги нарса ва ҳодисаларга нисбатан яққол тузилмани яратиш, турмуш тажрибаларига мумкин қадар яқинлашиб келишдан иборат фикрлашнинг кўриниши сингари).

Жаҳон психологлари тўплаган илмий материалларни умумлаштириб интеллект муаммосини тадқиқ қилишда диққат — эътиборни куйидаги омилларга қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз:

- интеллектнинг ёш давр хусусиятларига боғлиқлиги;
- жинс хусусиятига ва фарзанд дунёга келиш тартибига алоқадорлиги;
- миллат, этнос, элат ва халққа тааллуқлилиги;

- оиланинг ижтимоий — иқтисодий статуси билан уйғунлашуви;
- ота — оналарнинг маълумотлилиги, ижтимоий келиб чиқиши;
- биологик шартланган шахс фазилатлари, сифатлари, хислатлари қанчалик роль ўйнаши ва ҳоказолар.

Узлуксиз равишда ўтказилган илмий назариялар нағижасида психология фанида бир қатор илмий назариялар (концепциялар) вужудга келдики, уларнинг ҳар қайсиси интеллект муаммосини узига хос тарзда тушунтиришга ва талқин қилишга олиб келади:

- муаммо ечими услуби ва стратегияси;
- интеллектуал операциялар тизими ёки тузилмаси;
- вазиятларга нисбатан алоҳида ёндашишнинг самарадорлиги ёки маҳсулдорлиги (маънавий, миқдорий ва мантиқий жабҳалар), унинг функционал томонлари, йўналишлари;
- алоҳида, яқкаҳол ёндашиш, билиш жараёнининг шахсдан фаолликни тақозо этиш хусусияти, ҳолати;
- когнитив услуб шаклланиши имконияти ва бошқалар.

Шахсий кузатишларимизга қараганда, интеллект тараққиёти мана бундай омиллар билан узвий боғлиқ эканлиги кўзга яққол ташланади:

- билиш, ўқиш мотивларининг англашилган ҳамда юксак регулятив даражаларининг мавжудлиги, барқарорлиги, пухталиги;
- янгиликни қидириш, муаммо ечимини топиш муайян воситалар танлаш ҳамда тадқиқий ижодий фаоллик намоён бўлиши;
- мустақил ечишларга эришиш эҳтимолли даражасининг юксаклиги;
- илгарилab кетиб ечиш имконининг мавжудлиги ва «айтиб бериш», лўқма ташлаш жараёни эркинлик, қўрқинч ҳиссининг йўқлиги;

- юксак нафосат ва маънавий дид тимсоли ҳамда намунасини яратишга нисбатан қобилиятлилиқ, уларни баҳолаш ва ўлчаш функциясининг туғилиши, унинг бошқарувчанлиги.

Инсониятнинг тархий ривожланиш жараёнида интеллект деб аталмиш феноменни ўрганиш борасида кўпгина ишлар қилинган. Шулардан бири интеллектни ўрганиш тестларидир. Кўпгина мумтоз тестлар шахснинг интеллект даражасини аниқлашда муҳим роль ўйнаб келимоқда. Булар қаторига Стенфорд-Бинэ шкаласини келтириб ўтиш мумкин. Стенфорд-Бинэ шкаласи қийинқарли топшириқ ва масалалардан тузилган бўлиб, улар текширилувчиларнинг ёшига қараб тақсимлангандир. Биз қуйида ана шу интеллект тест сўровномаларидан намуналар келтирамиз ва уларни шарҳлаб беришга ҳаракат қиламиз.

I. 4 ёшли болалар учун (ҳар бир вазифани бажариш вақти 2 ой):

- ҳар хил узунликда кесилган шакллар ва нарсаларни таққослаш;
- турли типдаги шакллар ўртасидаги фарқларни аниқлаш;
- 4та танга пулни санаб чиқиш;
- квадрат чиз ва уни изоҳлаб, тушунтир;
- берилган саволларга тўғри, аниқ ва тушунарли қилиб жавоб қайтариш талаб этилади, ташқаридан ёрдам бериш ман қилинади;
- тўртта рақамни тўғри ва тескари санаш, такрорлаш талаб қилинади.

II. 9 ёшли болалар учун (бажариш муддати 2 ой давомида):

- бугунги кун, ҳафта, ой, йил номларини айтиб чиқиш, тушунтириш;
- 5та жисм ёки предметни гуруҳларга ажратиш (белгисига қараб);
- хариддан кейин қайтим берилишини изоҳлаш;
- 4та рақамни тескарисига такрорлаш;

- берилган 3 та сўздан гап тузиш (бола, дарё, копток);
- учта ҳар хил сўзга қофия танлаш;
- маълумки, ҳар қандай психологик тестнинг диагностик аҳамияти унинг бир қанча умумий талабларни қониқтиришга боғлиқдир, жумладан, стандартлаштириш, ишончлилик, валидлик. Ана шу талабларга суянган ҳолда Стенфорд-Бинэ шкаласини ҳам таҳлил қилиб чиқамиз.

Ушбу шкала тадқиқотчилар учун ҳар томонлама яхши, қулай ва ихчам қилиб тайёрланган. У барча учун тушунарли бўлган кўрсатмага ва миқдорий жиҳатда натижаларни ишлаб чиқиш, ҳисоблаш ишланмасига эга Тестларнинг ҳар бирида уни ўтказиш йўллари, вақтнинг тақсимланиши, текширилувчиларга бериладиган оғзақ кўрсатма ва тегишли кўрсатмалар, саволларни изоҳлаш усуллари батафсил айтиб ўтилган. Стенфорд-Бинэ тест катталар ҳамда унча ёши юқори бўлмаган синалувчилар учун ишончилидир. Лекин болалик давридан тортиб тўспиринлик ёшигача ўзгариб боради. Масалан, иккунчун ёшдан беш ёшгача ишончлилик коэффицентлар 0,33 (140-149 балл бўлганлиги учун)дан 0,91 (60-69 балл йиққанлар учун)гача; 6 ёшдан 13 ёшгача бўлган болалар ва ўқувчиларда ишончлилик коэффицентлари 0,91 (140-149 гача балл тўплаганлиги учун)дан 0,98 (60-69 балл олганлиги учун)гача ўзгариб туради. Шуни алоҳидан таъкидлаб ўтиш жоизки, Стенфорд-Бинэ тести киритилган ҳар бир савол, топшириқ тестнинг олдиндан белгиланган мақсадни очишга йўналтирилган бўлиши шарт. Шунинг учун тестнинг натижада мазкур саволлар олдиндан кўзланган мақсадни дарҳол аниқлаб бера олади.

Инсон интеллектуал тараққиётидаги тезкорликни кутилмаганлик ҳодисалари нафақат моддий негизда хоссалари билан изоҳланади, балки идрок майдонининг пайдо бўлиши, «сунъий» тизимнинг вужудга келиши, фазовий алоқалар, биологик ва психологик имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш эвазига мод

асоснинг иккиланувчи «табiiй» ва «сунъий» манбалар бош омил эканлигини таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Энди синалувчиларнинг интеллектуал тараққиётига таъсир қилувчи ижобий ва салбий омиллар туркуми тўғрисида маълумот бериб ўтамиз:

- билим масканларида замонавий техника воситаларнинг мавжудлиги;
- турли хилдаги тўғарак, секция, билим уйлари фаолият кўрсатиши ва унда зарур шароитларнинг яратилганлиги;
- оила муҳотида яратилган моддий ва маънавий шарт – шароитлар ҳамда шахсларни руҳан рағбатлантириш йўлга қўйилганлиги;
- шахслар билан ўзаро мулоқот ўрнатишнинг узлуксизлиги ва оилада шахслараро илиқ психологик муҳитнинг ҳукм суриши;
- турли телевизор баҳслар, зукколик, ижодкорлик, тезкорлик бўйича мусобақалар уюштирилиши ва уларда қатнашиш имконияти яратилганлиги;
- ортиқча информация ва хабарлар кўламини камайтириш (масалан, автомат ўйинлар, видеолар);
- зарарли одатлар ва қилиқлар билан шуғулланмаслик муаммосининг қўйилиши, унинг ечими (ичиш, чекиш ва бошқалар);
- болалар ва ўқувчиларни рўзғор ишлари билан банд қилиб қўйишлик ва оила муҳотида меҳнатнинг шахслараро оқилона тақсимланганлиги;
- ҳозирги даврда айрим касбларнинг нуфузи камайиб кетаётганлиги туфайли ўқувчилар ва талабалар ўртасида ўқув мотивларига кучли таъсир ўтказаётганлиги;
- коллеж ва олий ўқув юртларида таълим – тарбия тизимини янгича, янги педагогик

технология асосида тубдан куриш зарурияти мавжудлиги,

- ўғил ва қизларда ватанпарварлик ва миллий ифтихор туйғулари барқарорлигини таъминлаш ва уларни шакллантиришнинг энг кучай йўллариини излаб топиш, лоқайднинг олдини олиш,

ўқувчилар ва талабалар ўртасида борлиққа, жамиятга, шахслараро муносабатга, исрофгарчиликка, фидойиликка нисбатан қарашларни кескин ўзгартириш масалалари вужудга келмоқда.

Бизнингча, юқорида баъзи бир қусурли ҳолатларнинг олдини олиш учун интеллектуал ресурслар моҳиятига миллий ва умумбашарий фазилатлар тўғрисидаги ғояларни сингдириш юқори натижалар беради.

2.3. Биография (таржимаи ҳол) методи

Инсон психикасини-руҳиятини тадқиқ қилиш учун унинг ҳаёти, фаолияти, ижодиёти тўғрисидаги оғзаки ва ёзма маълумотлар одамларнинг таржимаи ҳоли, кундаликлари, хатлари, эсдаликлари муҳим аҳамиятига эга.

Шу билан бирга ўзгалар томонидан тўпланган таржимаи ҳолга алоқадор материаллар: эсдаликлар хатлар, расмлар, тавсифлар, магнитофон овозлари фотолавҳалар, ҳужжатли фильмлар, видеокамер тасвири, тақризлар, танбехлар ҳам ўрганилаётга шахсни тўлароқ тасаввур этишга хизмат қилади. Хат шифокорнинг касаллик тарихи ҳужжати ҳам болани туғилганидан, ҳам то бошланғич маълумот олгунича давр орлиғида саломатлик даражаси қандай бўлганлиги тўғрисидаги омиллар билан танишиш имконини берадиган материал ҳисобланади.

Таржимаи ҳол методи инсон психикасини суҳб ва тажриба методлари воситасида ўрганиб бўлмайдиган

Худдатларини охишида ёрдам беради. Маъжур метод
орудди, масалан, ижодий хаёл билан бағлиқ жараёнлар,
ордиёт, муслиқ, нафосат, тасвирий санъат, техник
ишқисётнинг номаъ турлари ва шахсининг маънавий,
ордиёт, қобилият, иқтидор, истеъдод савдоёт каби
хусусиятлари кузатилади. Инсон онгининг намоён
лигини, ривожланишини, ўзини хос индивидуал
лигини мойи усули билан аниқлаш билдириган
хусусиятларида исариарида ўл инфодасини: тоғида
ишқисётнинг тўғридаги маънавийлар аммондошлари,
ишқисётлари, савдошларининг таърифу – тивсифлари
ишқисёт авлоддан – авлодга ўтади. Худди шу ижтимоий
ишқисётлик натижасида ижодлар билан авлодлар
ишқисётлик ворислик ҳодисаси ижтимоий психологик
ишқисётлик вужудга келади ва ижтимоий тарихий
ишқисётнинг уйғунлигини таъминлайди.

Анкета методи

Умумий психологияда кенг қўлланиладиган
методлардан бири бўлиб, унда одамларнинг психологик
хусусиятлари нарса ва ҳодисаларга нисбатан
муносабатлари ўрганилади.

Анкета одатда 3 хил бўлиб, биринчи хилида
ишқисётлаган мотивларни аниқлашга мўлжалланган
саволлардан иборат бўлади, иккинчи хилида эса фақат
ишқисётлагина жавоб танлаш шарти билан ҳар бир саволга
бир нечтадан тайёр жавоблар ҳам берилади. Учинчи хил
анкетада синалувчига ҳавола қилинганда камида тўрт-
беш тўғри жавоблари баллар ёрдамида баҳоланади.
Анкета методидан одамларнинг лаёқатларини муайян
соҳага қизиқишлари қобилиятларини, ўзига,
ишқисётлаганларига катта ва кичикларига муносабатларини
аниқлаш мақсадида фойдаланилади. Анкета орқали
ишқисётларнинг характер хислатлари, хулқ-атворларини
текшириш, сиртдан туриб баҳолаш мумкин.

Тарқатилган анкеталар йиғиб олиниб, электрон
хисоблаш машиналари дастурига мувофиқлаштириб
профлича амалий хулосалар чиқарилади. Анкета методи

инсон психикасининг айрим томонларини ўрганиш учун бой материал тўплаш имконини беради, лекин унда олинadиган маълумотлар доимо ҳолисона хусусиятга эга бўлавермайди. Бунга йўл қўймаслик учун анкета ичидаги назорат вазифасини бажарувчи тўғри ва қарши саволларни пухта ишлаб чиқариш керак.

Қуйида анкета варақасидан намуна келтириб ўтамыз.

1. Курсингизда энг юқори обрўга эга бўлган талаба қайси?

2. Сизнингча, курсдошларингиз ичидан ким меҳр, ҳис-туйғусини уйғота олади?

3. Уқиш билан боғлиқ муаммолар юзасидан сиз кимга мурожаат қилишни хоҳлар эдингиз?

4. Шахсий кечинмаларингиз ҳақида сиз ким билан фикр алмашишни истар эдингиз?

5. Ўртоқларингиз ичидан кимни уйиниёзга меҳмонга астойдил таклиф қила olasиз?

6. Курсдошларингиз ичида ким билан мунгулотларга биргаликда тайёрланишини ёқтирасиз?

7. Қайси курсдошингиз билан суҳбатлашишни асло ёқтирмайсиз?

2.4. Социометрия методи.

Бу тадқиқот методига АҚШлик Джон Морено асос солган бўлиб, кичик (эирламчи) гуруҳ аъзолари ўртасида эмоционал, ҳиссий муносабатларни бевосита ўрганиш ва даражасини ўлчашда қўллабйилади. Мазкур метод ёрдамида муайян гуруҳдаги ҳар бир аъзонинг ўзаро муносабатларини аниқлаш учун унинг фаолиятида ким билан иштирок этиши сўралади. Олинган маълумотлар матрица, график, схема, жадвал, диаграмма шаклида ифодаланади. Улардаги миқдор кўрсаткичлари гуруҳдаги одамларнинг шахслараро муносабатлари мазмуни юзасидан маълум бир хулоса қилади. Бироқ маълумотлар гуруҳий муносабатларнинг ташқи кўринишини акс эттиради холос. Уни

такимиллаштириш мақсадида ҳозирги вақтда психолог олимлар Я.Л. Коломинский ва И.П. Волков томонидан социометриянинг кичик гуруҳлар психологиясига мослаб ўзгартирилган вариантлари, кўринишлари ишлаб чиқилганки, улар орқали шахсларнинг бир-бирини танлаши мотивларини аниқлаш мумкин. Айниқса социометриянинг Я.Л. Коломинский ишлаб чиққан ўзгартирилган варианты болалар жамоасидаги шахслараро муносабатлар тўғрисида тўла ахборот беришга ёрдам беради.

Одатда ўқувчилардан куйидагича саволларга жавоб бериш талаб қилинади: «Сен саёҳатга ким билан бирга боришни хоҳлайсан?», «Машғулотларга ким билан бирга таълимланишни истайсан?», «Ким билан кўшни бўлиб яшанишни ёқтирасан?» синалувчи ҳар учта жавобдан биттасини «Энг маъқул» деб танлаши лозим. Унга «Аввал, ҳаммадан кўра кўпроқ ким билан бирга бўлишни хоҳласанг, ўшанинг фамилиясини ёз», «агар сен истаган шахс тўғри келмаса, яна ким билан бирга бўлишни истасанг, шунинг фамилиясини ёз», «айтилган шартларга биноан учинчи шахснинг фамилиясини ёз» деб уқтириш мақсадга мувофиқ.

Гуруҳий табақаланишни кўрсатиш учун социограмма тўртта «майдон»га ажратилади. Қизлар доирача билан, ўғил болалар эса учбурчаклар билан белгиланади. Доирача ва учбурчаклар сони фамилиялар сонига тўғри келади. Гуруҳ аъзоларининг ўзаро муносабатлари доирача ва учбурчаклар стрелкалар билан беланганида ўз ифодасини топади. Энг кўп муносабатга эга бўлган синалувчи доиранинг марказидан ўрин олади. У гуруҳ аъзоларининг энг сқимтойи ҳисобланади. Шахслар билан алоқа ўрнатмаган синалувчи доиранинг энг четидан жой олади. Оралиқдаги «майдон»ларга ўртача ва ундан камроқ танланган текширилувчилар жойлаштирилади. Шу йўл билан биринчидан шахслараро муносабатнинг даражаси ва кўлами аниқланади, иккинчидан қизлар билан ўғил болалар ўртасидаги кўрсаткичлар

бу метод психологияда инсон хотираси тафаккури, қобилияти ва хаёлининг хусусиятини аниқлаш мақсадида кенг қулланилади. Одам чизга расмлар, ясаган уйинчоқлар, моделлар, тўқига нарсалар, тиккан қўғирчоқлар, тўқиб, сўзлаб берилган ҳикоялар, техник конструкциялар схемасини тушуниш қабиларни таҳлил қилиш орқали уларнинг мантиқий хотираси, тафаккури, бадиий ва адабий қобилияти ижодий хаёли, техник ижоди юзасидан материалла тушлаш мумкин. Мазкур методда ижод маҳсулини яратган жисмоний шахс бевосита иштирок этмайди. Текширилувчи билан текширувчи ўртасида мулоқот ўрнатиш учун шахснинг психикаси тўғрисида сиртда муайян ҳукм ва хулоса чиқарилади. Текширувчи (ўқитувчи, мураббий, психолог) эксперт тариқасида шахслар ижодиётига баҳо беради, бунда меҳнат маҳсулининг шакли, мазмуни, сифати, оригиналлик ҳажми, хусусияти билан кескин тафовут қилиш назарда тутилади. Ижодий фаолият маҳсуллари таҳлил қилиш орқали ҳар кил ёшдаги ва касбда одамларнинг психик хусусиятлари тўғрисида маълумотлар тушлаш мумкин.

Фаолият маҳсулотларини ўрганиш инсон руҳиятини ўрганиш методлари ичида ўзига хос ўрин ташкил этади. Шунини таъкидлаб ўтиш жоизки, инсон руҳиятини ўрганиш юқорида баён қилинган

методлардан ташқари яна айрим қўшимча методлардан ҳам фойдаланилади. Эътироф этиш жоизки, қўлланилаётган ҳар бир методнинг ўзига хос ижобий, афсил томонлари билан биргаликда қийин ва салбий томонлари ҳам мавжуд. Шу боис конкрет шахс руҳиятини ўрганиш вақтида яқка методлар натижалари билан кифояланиб қолиш мумкин эмас. Руҳиятни тенгиришда атрофлик, динамиклик, объективлик, тенгирувчининг ёш хусусиятларини инобатга олиш ва бошқа тамсилларга суяниш даркор.

Шундагина шахс ҳақида батафсил маълумотларга эришишимиз мумкин.

Ҳар қандай ёғочдан санъат
асрини яратиб бўлмайди.

Пифагор.

III БОБ. КАСБИЙ ЛАЁҚАТ ТАШХИСИ

3.1. Касбий лаёқатни аниқловчи тестларнинг ишончлилиги ва валидлиги

Бундан олдинги саҳифаларда методларнинг қисқичли юзасидан мулоҳаза юритилган эди. Улардан фойдаланишда камчиликлар миқдорини камайитириш учун муайян қоидаларга риоя қилиш лозим.

1) Баҳоланишга мўлжалланган шахснинг муҳимиятлари етарли даражада аниқ ва бир хил маъноли бўлиб аниқланиши шарт.

2) Агарда бир гуруҳ синалувчиларни бир неча муҳимиятлар, фазилатлар бўйича баҳолаш зарурияти пайдо бўлса, у тақдирда яхлит гуруҳнинг ҳар қайси аъзога бўйича баҳолаш тавсия қилинади.

3) Гала – самара моҳиятини эксперт томонидан таҳлил қилиш ва уни бартараф қилиш заруриятини таъкидлаш тавсия қилинади.

4) Бир нечта мустақил экспертлар баҳолашини умумлаштиришда ўлчовнинг аниқлик даражаси (ишончилиги) ортади.

5) Махсус тайёрланган ва ўқиган экспертлар ишончлироқ баҳолашга қодирдирлар.

6) Турли вазиятлар ва ҳолатларни узок муддат кузатишда баҳолашнинг аниқлиги юқори бўлади.

Ўлчашда хатога қабул қилинган омиларнинг фарқланишига қараб тестлар ишончилигини баҳолашга нисбатан уч хил ёндашув ҳукм суради.

I. Тест — рестест ишончилиги.

Ўспирин йигит ва қизлар тафаккурининг мустақиллик даражасини вужудга келишида ўқитувчи шахсининг роли жуда катта. Биринчидан, ўқитувчи ўспиринларда ўрганилаётган қонуният ва хоссалар тўғрилиги ҳақида ишонч туйғусини ҳосил қилади, ўтилаётган мавзулар мазмуни бўйича қаноатланиш ҳиссини вужудга келтиради, воқеликни исбот қилишга, билдирилган мулоҳазаларни далиллашга ўргатиб боради. Шунинг билан бирга, санаб ўтилган жараёнларни амалга ошириш учун, кўйилган муаммони ҳал этиш учун қулай усул ва методлардан фойдаланиш йўл — йўриқлари билан қуроллантириб боради. Иккинчидан, ўқитувчи ўқувчиларни танишаётган нарса ва ҳодисалар бўйича оригинал, янгича фикр юритишга, ҳар бир ҳолатга ижодий ёндашишга ўргатади. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун у уларни мантиқий фикр юритиш усуллари билан таништиради ва фойдаланиш йўллариини тушунтиради. Учинчидан, ўқитувчи ўспиринлар томонидан қўлланавериб, эскирган, архаик-эскирган

терминга айланган сўз ва иборалардан камроқ фойдаланишга, шаблондан-бир хилликдан ҳамиша қочишга ўргатади, уларни ижодий изланишлари сари етаклайди. Тўртинчидан, ўқитувчи ўспиринлар олдига билимларни амалиётда татбиқ қилиш вазифасини муаммо тариқасида қўяди. Бешинчидан, ўқитувчи ўспирин ўқувчи йигит ва қизларнинг индивидуал (шахсий) хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мавжуд ақлий имкониятларини ўқишга, ижодга сафарбар қилишга интилади. Олтинчидан, ўқитувчи юқори синф ўқувчилари диққатига муаммоли вазиятни, жумбоқни ва топшириқни ҳавола қилади ва қўйилган масалаларни ечиш ва ҳал қилиш босқичлари билан атрофлича таништиради, шунингдек ҳар қандай қийинчиликларни енгиб ўтишга уларни даъват этади. Еттинчидан, ўқитувчи ўқувчиларнинг ҳис — туйғуси ва иродавий хусусиятларини янада мустаҳкамлаш учун яққол йўл йўриқ кўрсатади, махсус психологик кўрсатмалар (установка) беради, қийинчиликларни енгиш ва уларнинг олдини олиш воситалари билан ўртоқлашади.

Тафаккур ва ақл — заковат бошқа психик (руҳий) жараёнлардан ажралган ҳолда тараққий этиши мумкин эмас. Ана шу сабабдан тафаккурнинг ривожланиши билан бир даврда ўспиринларнинг ахлоқий сифатларида ҳам муҳим ўзгаришлар содир бўлади, жумладан, нутқ маданияти ўсади. Бу эса ўз навбатида, ўқувчида шахсий фикрини аниқ ва тўғри ифодалаш малакасини таркиб топтиради, нутқ фаолияти тузилишини мустаҳкамлайди, мураккаблаштиради ва луғат бойлигини орттиради.

Катта мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш малакасини эгаллаб олганлиги, мустақил ақлий меҳнат техникаси ва методлари билан қуролланганлиги, мустақил билим олиш учун кенг имконият очади. Бироқ тафаккурнинг мустақиллиги суёт ривожланганлиги учун ўқувчилар таълим жараёнида ҳар хил мазмундаги, шаклдаги қийинчиликларга дуч келадилар. Бунинг яна бир муҳим сабаби ўқув топшириқларини талабалар олдига нотўғри қўйилиши,

шунингдек изчил мулоҳаза юритишга ўргатилмаганлигидир. Масаланинг ўқувчи олдига методик жиҳатдан нотўғри қўйилиши оқибатида ўспирин «тайёр мулоҳазалар кули» бўлиб қолаверади. Шу боисдан ўқитувчи юқоридаги мулоҳазали муаммоларни ўқитишда эътиборга олиш мутлақо мақсадга моликдир. Ўспирин ақл — заковатининг характерли жиҳатларидан бири шуки, вужудга келаётган вазиятни тўғри аниқлашга, уни асослашга, исботлашга бутун диққат — эътиборини қаратишга майли кучли бўлади. Таълим жараёнида ўрганилаётган нарса ва ҳодисаларнинг чин эканлигига, ҳақиқий моҳиятига тўла ишонч ҳосил қилишга интилиш бу ёшдаги ўқувчиларнинг муҳим фазилати ҳисобланади.

Фикр юритишнинг танқидийлиги — ўспирин йиғит ва қизлар руҳиятининг муҳим хусусиятидан бири бўлиб ҳисобланади. Агроф — муҳитга, нарса ва предметларга, инсон хатти — ҳаракатига, ўз — ўзига танқидий муносабати бўлиш, фикр юритиш жараёнида, ақлий меҳнат қилиш кезида алоҳида аҳамият касб этиб, мустақил фикр билдириш, шахсий нуқтаи назарига эга бўлиш, ўз вазифясини ишлаб чиқиш, хатти — ҳаракат дастурини вужудга келтириш сари етаклайди. Ақлнинг танқидийлиги мавжуд бўлса ҳам қатъий мулоҳаза билдириш тажрибасининг камлиги, умуминсоний маданият ҳиссининг заифлиги, тезкорлик билан ақл — заковатдан фойдалана олмаслик у ёки бу нарсани юзаки баҳолашга олиб келади, асл қиймати рўй — рост очиб берилмай қолади.

Катта мактаб ёшидаги ўқувчи адабиёт фанига ўсмирга қараганда бошқачароқ мақсадда ёндашади. Ушбу мақсад кўп тармоқли бўлиб, турли характердаги муаммо, жумбоқ ва бошқа вазифаларни ҳал этишни назарда тутати. Ўспирин ўзини ҳаяжонга солаётган саволларга китоб саҳифасидан жавоб топишга ҳаракат қилади, ўз дунёқарashi ва шахсий позициясини қиёслашга, персонажлар ичидан ўзига идеал излашга ва ана шуларни амалга ошириш орқали қониқиш ҳиссини

намойиш қилишга интилади. Ундаги ақл — заковат характеристикаси ўспирин руҳий дунёсининг кўп жиҳатлари етуклиги билан оилавий турмуш остонасига кириб келаётганлигидан далолат беради.

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, ўқувчига ўқитувчининг тайёр билим бериши, ақлни пешлаш машқларини ўтказмаслиги уни зериктириб қўйди, натижада ўқишга, ижтимоий турмушга нисбатан қизиқиши совуйди. Бундай кўнгилсиз ҳолни вужудга келмаслиги учун ўқитувчи ўқувчини мустақил фикр юритишга йўллаши айни муддаодир.

Ўспирин учун маънавий озуқа бера олмайдиган дарслар фанга нисбатан қизиқишини камайтиради, шунинг учун у маънавий бойлик орттириш йўлини қидиради, вужудга келган маънавий талабни қондиришни истайди. Туғулиб келаётган маънавий эҳтиёжни қондириш учун талаба мустақил билим олиш йўли ва усуллари қидиради. Ижодий изланишлар, янги усул, янгича ўқиш услуби ақл — заковатни ўсишига энг муҳим туртки вазифасини бажаради.

Катта мактаб ёшидаги ўқувчилар хусусиятларидан яна бири бу дарсликда баён қилинган фикр ва мулоҳазалардан фойдаланиб, бадий асарни мустақил тушуниш сари интилишидир. Аммо бундай интилиш, изланиш ҳамма вақт ҳам бадий дид малакаси билан мустаҳкам алоқада бўлавермайди. Бунинг асосий сабаби — ўспиринда эстетик дид, бадий ҳис — туйғуси савиясининг етарли даражада ривожланмаганлигидир.

Агарда адабиёт фани ўқитувчиси ёрдамида ўқувчига меҳнатнинг янгилик яратувчи, бунёдкорлик ҳикмати мавжудлиги, ижтимоий турмушнинг ўзгарувчи фаолият эканлигини яққол тушунтириш имкониятига эга бўлса, шунингдек ҳаёт ва турмуш шарт — шароитлари, уларнинг оддий кўз билан илғаб бўлмайдиган жиҳатлари мавжуд эканлигини намойиш қилса олса, нозик эзгу ният, истак ва тилак, нафис ҳис — туйғу кабиларга муайян, аниқ йўл билан етиш сеҳри

билан қуроллантирса, у ҳолда ўқувчининг мазкур фанга нисбатан муносабати ижобий томонга ўзгаради.

Ўспирин йигит ва қиз ҳар хил бадиий асарни ўқиш, танишиш ва унинг моҳиятига тушуниш орқали мустақил фикр юритиш, мулоҳаза қилишга борган сари уқуви ортиб боради. Унда мустақил нуқтаи назар, муносабат, шахсий позиция шаклланади. Ўз — ўзидан маълумки, ушбу фазилат ўспириннинг шахсий фикрлаш, мустақил ўйлаши ва қатъий қарорга келишининг натижаси бўлиб, ўзгаларнинг ташқаридан берган маслаҳатининг маҳсули эмасдир. Балким бу нарса ўспиринда фикр юритиш фаолиятини ривожланиб бораётганлигидан далолатдир.

Ўспиринлар томонидан бадиий асарни баҳолаш, унга нисбатан шахсий фикрини билдириш, акс эттирилган воқелик билан бевосита мунозарага киришиш каби хислатларнинг мавжудлиги тафаккур танқидийлигининг айнан ўзгинасидир. Ноўрин танқидийликка келсак, у эса ўқувчи бадиий диди, нутқ маданияти, теърақ — атрофга нисбатан ҳис — туйғуси ва турмуш тажрибасининг камчилигидир.

Айрим юқори синф ўқувчиларида асардаги аллогориялар, эпитет ва метафорларни нотўғри тасаввур этиш ҳоллари учраб туради. Улар шоир ёки адиб фаолиятини таҳлил қилиб, ҳаётда асардаги воқеликнинг асло содир бўлмаслигида айблайдилар, бу нарса жўрттага тўқиб чиқарилган деб даъво қиладилар, ҳатто то қаттиқ «қоралашгача» бериб етадилар. Лекин бу бадиий асар компонентлари (таркибий қисми) қаҳрамонларнинг руҳий ҳолатларини бўрттириброк кўрсатиш воситаси эканлигини ҳали тўла англаб етмайдилар. Шу сабабдан «фалон нарса бундай бўлмайди, унга ақл бовар қилмайди» деб ишончсизлик кайфиятини изҳор этадилар.

Кузатишларимизнинг кўрсатишича, ўспиринлар бир даврнинг ўзида ҳам шоир, ҳам адиб билан мунозарага киришадилар. Чунончи, асардаги ўхшатиш ва таққослаш, типиклаштириш каби бадиий бўёқлар

негадир уларнинг ҳиссиётига, ички мураккаб кечинмаларига мутлақо мос тушмас эмиш. Асарда акс эттирилган ўта нафис дид, кучли ҳиссий пафос билан оламга олиб кириш, фикран мутоҳазга юритиш уларда гаважжуб ҳиссини вужудга келтиради. Шунинг учун катта ёшдаги ўқувчиларда адиб ёки шоир билан «келишмовчилик» ҳовини вужудга келтиради. Уларнинг тасаввурини акс эттирилган воқеалар жуда чиркин ёритилгандай туюлади. Улар «ўз позициялари»нинг бирбод бўлишига қарши «илки кўрсаткич» олиб борадилар. Маълум даражада ўз фикрларидан воз кеча олмайдилар. Мазкур ҳаётда ўқитувчиларнинг вазифаси — бу ўқувчилар «офактурини» шахсий танқидий сифати билан аниқлаб, уларни «илки» одилана танқидий танқидий қилиш билан қарорга йўл очиб бериш иборатлар.

Шундай таърибларимизда шу нарса маълум бўлдики, ҳечқандай йиғилган қўллар муайян образ ва ҳаёт ҳақидаги фикрларни, муаллиф ижодий фаолиятини баҳолаш жараёнида ҳамма вақт ҳам ўз шахсий қарашини мулоҳазаси ва муносабатини айнан шундайлигини қўллаш олмади эканлар. Бундай фактни биз ўспириришда мустақил ишларини текширишда учратдик. Ёзма ишлар билан ўспириришнинг жонли мушоҳазасини таққослаганимизда, ёзма ифода билан шахсий мулоҳазалар ўртасида катта фарқ мавжудлигига икром бўлдик.

Мазкур феноменни (омилни) аниқлаш учун биз ўспириришларга ушбу саволларга жавоб беришларини талаб қилдик: «Нега ўз шахсий фикрингизни ёзган иншода ифода этмадингиз?», «Авторга, асарга нисбатан асл муносабатингиз шундан иборатмиди?», «Эркин темада ёзилган мустақил ишда нега ўз мулоҳазангизни тўлиқ ифодаламадингиз?», «Агар Сиз асар қаҳрамони ўрнида бўлганингизда қандай йўл тутган бўлар эдингиз?», «Абсолют ҳақиқатни билишга қай тарзда интиласиз, нега улар Сизни тинчлантормайди?», «Нима учун Сиз ҳар бир нарсани ўз ақл тарозингиз билан яна бир марта тортгингиз келади?». Ўқувчилар билан кенг

М. Норман
кўламдаги савол — жавоб викторинасини ўтказдик. Бундан ташқари, уларнинг мустақил ёзма ишлари билан яқиндан танишиб чиқдик.

Тажиба натижаларини таҳлил қилганимизда, берилган саволларга кўпгина ўспиринлар бир — бирига ўхшаш, маъно жиҳатидан ўзаро яқин жавоблар беришган. Жумладан улар ўз шахсий фикрларини рўй — рост ифода этмаганликларини куйидагича исботлайдилар: «... агар мен ўз фикримни ва муносабатимни ўз билганимча ёзганимда эди, у ҳолда Сизнинг кўймоқчи бўлган баҳойингиз, ҳозирги кўйилагн баҳодан бир — икки балл паст бўлар эди. Мен шундай бўлишидан кўрқдим. Чунки менинг шахсий фикримга қарши эканлигингизни биламан-ку!» деб жавоб қайтардилар.

Мазкур мулоҳазалар муаллифлари бўлмиш юқори синф ўқувчиларида тафаккур танқидийлигида беқарорлик хусусияти мавжуд эканлигидан далolat бермоқда. Келтирилган мисолдан шундай хулосага келиш мумкинки, бу ёшдаги ўқувчи ўғил - қизларда ўз фикрида то охиригача қатъий туришнинг иродавий сифати етишмаслиги, мустақкам «позиция»си шаклланмаганлиги намоён бўлмоқда. Шу нарса очик, равшан кўзга ташланиб турибдики, юқори синф ўқувчиси хусусиятида ақлнинг танқидийлигига муросасизларча муносабат бўлиш майли кучлидир. Уларда намоён бўладиган иккиланиш, шубҳаланиш туйғулари, бизнингча, икки хил сабаб билан изоҳланиши мумкин. Биринчи сабаб — воқелик моҳиятини тўғри англаб ёки тушуниб етмасликда ўз ифодасини топса, иккинчиси — ўқувчининг «ўз позицияси»да бўш келмаслиги ва ҳодисаларни фаҳмлаб туриб, «ўжарлик» қилишидан иборатдир.

Ҳозирги даврнинг энг муҳим муаммоларидан бири — бу ўспирин йигит ва қизларда тафаккур мустақиллигини, ақлнинг танқидийлигини дарсда ва дарсдан ташқари вақтларда кенг жамоатчилик фикрига суянган ҳолда ривожлантиришдан иборатдир. Ўқитувчи

бутун диққат — эътиборини ўспиринларни нарса ва ҳодисалар тўғрисида шахсий фикрини ўзгартирганлиги ёки ўзгартирмаганлиги, бирор нарсани тушуниб олишга муяссар бўлганлиги ёки бўлмаганлиги, агарда тушуниб олишган бўлса, фақат дарсликка асосланибгина англаганлиги, ўз фикрини фақат «дилда» қолдириш шартлиги ва шарт эмаслигини ҳис этганлиги ёки ҳис этмаганлиги каби муаммоларга қаратини мақсадга мувофиқ. Таълим жараёнининг асл мақсади ва моҳияти ўқувчиларда мурасасозлик ва иккинюзламачилик иллатига йўл қўймасликдан иборатдир.

Ўспирин ўқувчилар кўпинча воқелик ҳақида бошқа бир нарсани гапириб, ҳақиқатдан эса иккинчи бир нарса тўғрисида мулоҳаза юритишга мойилдирлар. Кўпинча, бу ҳолатни фавқулотдаги вазият белгилаб беради. Бунинг учун иншо тўғрисидаги ўқувчилар мулоҳазасини эслатиб ўтиш кифоя.

Ўқитувчи ўспиринларда вужудга келаётган ҳар хил хислатларига бепарво қарамаслиги керак. Бу йўлда камчиликларга, хатоликларга йўл қўйилса, инсон шахсини камол топтиришда қатор қийинчиликлар намоён бўлади. Шу сабабдан ўқитувчи — мураббий уларда шахсий қараш, мустақиллик, ақлий тезкорлик, зукколик, зийраклик, позиция, барқарор эътиқод ва илмий дунёқараш вужудга келаётганлигидан мутлақо хавотир олмаслиги, сира қўрқмаслиги, чўчимаслиги даркор. Педагог ўспиринларда шахсий қарашнинг бўлмаслигидан мустақил мулоҳазалардан узоқлигидан, тайёр фикрлар «қули»га айланганлигидан, тўтиқушдай ёд олишга одатланганлигидан ҳадиксирасин, хавотирлансин.

Ақлнинг танқидийлигини ривожлантириши ва такомиллаштиришда ўз — ўзини тарбиялаш алоҳида аҳамият касб этади. Шунинг учун ўқувчилар уларни бу борада муайян йўналишларни амалга оширсалар нур устига нур бўлар экан.

Дарслик танқидийлигини тараққий эттириши учун ўқитувчи таълим жараёнида ўспиринларнинг ёди ва

индивидуал хусусиятларига, ақлий қобилият имкониятларига, ақлий ўсиш кўрсаткичига, мазмундорлигига, фикрнинг теранлиги ва чуқурлигига, ташаббускорлиги ва сермахсуллигига, ўқувчининг ўқув предметларига қизиқишига, нутқ маданияти ва сўз бойлигига, шахсий позиция ва нуқтаи назарига, эътиқоди ва дунёқарашига, ўқув фаолиятининг усулларини эгаллаганлик даражасига, ўз — ўзини бошқариш, ўз — ўзини назорат қилиш, ўз — ўзини баҳолаш, ўз — ўзини қўлга олишга билимлар тизмининг даражасига, ўқув кўникма ва малакасини, фикр юритиш шаклига (хукм, хулоса чиқариш, тушунча, терминлардан фойдаланиш имкониятига), мантиқ операциясига (асослаш, исботлаш, далиллаш, изланиш, ишонч ҳосил қилиш) алоҳида эътибор бериши ўқитиш самарадорлигини ошириш гаровидир.

Ақлнинг танқидийлигини шакллантириш ўспирин йигит ва қизларни моддий дунёни мустақил ўрганишга, мураккб хусусиятлар ва хоссалари билан танишишга, ўзлаштиришга, барча ўқув предметларини англаб эгаллашга, дарёда, мутолаа кезида ташаббускорлик ва фаолликни янада такомиллаштириш сари етаклайди. Шу билан бирга, нарса ва ҳодисаларни исботлаш кўникмасини таркиб топтиради, ўрганилаётган объект, материал тўғрисида мустақил равишда чин ҳукм чиқариш, хулосага келишдан иборат ақлий қобилиятини тараққий эттиради. Воқеликни ички боғланишлари, муносабатлари, қонуниятларини англашда, шунингдек ўқувчи онгида, тафаккурида риалистик қаршаларни шакллантиришда ақл — заковат ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Илмнинг чеки йўқ, қанча кўп ўқисанг,
билимаган нарсаларининг шунчалик кўпаяверади.
«Фавоқиҳ ал-жуласо»

VII БОБ. КАСБ ВА ШАХС ПСИХОЛОГИЯСИ

7.1. Касб ва шахс

Жаҳон психологияси фанида шахснинг шаклланиши ва ривожланиши қонуниятлари ҳамда уларнинг механизмлари муайян ёндашувлар негизида тадқиқ этилган. Бу борада психологлар томонидан шахсга нисбатан турлича таъриф берилган ва унинг тузилишини ўзига хос тарзда тасаввур қилишган. Бизнингча (Э.Ф), муайян жамоа аъзоси, жисмоний, жинсий, ижтимоий камолатга эришган, биологик ва ижтимоий шартланган хислатлар эгаси, ўз имкониятларини рўёбга чиқарувчи, билишга интилувчи, фаолият, хулқ, муомала субъекти шахс дейилади. Кўйида айрим психологлар талқинига тўхталиб ўтамиз.

А.Г.Ковалёвнинг фикрича, шахс бу ижтимоий муносабатларнинг ҳам объекти, ҳам субъектидир.

Йирик рус психологи А.Н.Леонтьев ушбу масалага бошқачароқ ёндашиб, унга шундай таъриф беради: шахс — бу фаолият субъектидир. К.К.Платоновнинг талқинига биноан, жамиятда ўз ролини англовчи, ишга лаёқатли, яроқли аъзоси, шахс дейилади. Бу муаммо моҳиятини чуқурроқ очишга ҳаракат қилган С.Л.Рубинштейн таърифича, шахс — бу ташқи таъсирлар йўналишини ўзгартирувчи ички шарт — шароитлар мажмуасидир.

Психология фанида бир — бирига яқин, лекин айнан бир бўлмаган тушунчалар қўлланилиб келинади, чунончи: одам, шахс, индивидуаллик. Уларнинг моҳиятини аниқроқ изоҳлаб бериш учун ҳар бирининг психологик табиатини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

1. Одам. Суст эмизувчилар синфига дахлдорлик, биологик жонзот эканлиги одамнинг ўзига хос

хусусиятидир. Тик юришлик, қўлларнинг меҳнат фаолиятига мослашганлиги, юксак тараққий этган мияга эгаллиги, сут эмизувчилар таснифига кириши унинг ўзига хос томонларини акс эттиради. Ижтимоий жонзот сифатида одам онг билан қуролланганлиги туфайли борлиқни онгли акс эттириш қобилиятидан ташқари ўз қизиқишлари ва эҳтиёжларига мутаносиб тарзда уни ўзгартириш имкониятига ҳам эгадир.

2. Шахс. Меҳнат туфайли қайвонот олаmidан ажралиб чиққан ва жамиятда ривожланувчи, тил ёрдами билан бошқа кишилар билан муносабат (муомала)га киришувчи одам шахси аёllанади. Шахснинг моҳияти шахснинг асосий табиғий қисмилатидир.

3. Индивидуаллик. Қар қайишнинг таъкиркор ўзига хос қисмилатларга эга. Индивидуалликнинг акс қирралари билан шахс табиғий равишда индивидуал вужудга эга бўлади. Индивидуалликнинг акс қирраларининг акси индивидуалликнинг акси бўлади.

Қар қайишнинг акси индивидуалликнинг акси бўлади.

4. Индивидуаллик — эҳтиёжлар, қар қайишлар, индивидлар, табиқалар, қар қайишларнинг ўз-ўзар мотивларни қавда дувеқарашларига тараққий этиши.

2. Билимлар — ҳаёт ва фаолиятда кўникмалар, малакалар жараёнида эгалланади.

3. Индивидуал — темперамент, типологик хусусиятлар, характер, қобилиятлар акс этади.

К.К.Платонов таълимотига кўра, шахс тузилиши куйидаги шаклга эга:

I. Йўналганлик онг ости тузилиши — Шахснинг ахлоқий қиёфаси ва муносабатларини бирлаштиради. Ундан ҳаракатчанлик, барқарорлик, жадаллик, кўлам (ҳажм) даражаларини фарқлаш лозим.

II. Ижтимоий тажриба онг ости тузилиши — Таълим воситасида, шахсий тажрибада эгалланган билимлар, малакалар, кўникмалар ва одатларни қамраб олади.

III. Психолгик акс эттириш шакллари онг ости тузилиши – Ижтимоий турмуш жараёнида шаклланувчи билиш жараёнларининг индивидуал хусусиятлари.

IV. Биологик шартланган онг ости тузилиши – Мия морфологик ва физиологик хусусиятларига муайян даражада боғлиқ бўлган патологик ўзгаришларни, шахснинг ёш, жинс хусусиятларини ва унинг типологик хосиятларини бирлаштиради.

А.Г.Ковалев талқинига биноан, шахс мана бундай тузилишга эга:

1. Йўналганлик – воқеликка нисбатан инсон муносабатини аниқлайди, унга ўзаро таъсир этувчи ҳар хил хусусиятли ғоявий ва амалий установакалар, қизиқишлар, эҳтиёжлар киради. Устувор йўналганлик шахснинг барча психик фаолиятини белгилайди.

2. Имкониятлар – фаолиятнинг муваффақиятли амалга ошишини таъминловчи тизим. Ўзаро таъсир этувчи ва ўзаро боғлиқ бўлган турлича қобилиятлар.

3. Характер. Ижтимоий муҳитда шахснинг хулқ - атвор услубини аниқлайди. Одамнинг руҳий ҳаёти шакли ва мазмуни унда намоён бўлади. Характер тизимидаги иродавий ва маънавий сифатлар.

4. Малакалар тизими. Ҳаёт ва фаолият, сифатлар хулқ - атворни тузатиш (коррекциялаш), ўзини ўзи назорат қилиш, ўзини – ўзи бошқаришни таъминлайди.

7.2. Касбий етуклик ва шахс комиллиги.

Жаҳон психологияси фанида шахс тўғрисида ўнлаб назариялар, қарашлар, ёндашувлар мавжуд бўлишига қарамай, инсон камолоти юзасидан ҳанузгача умумий бир фикрга келинганича йўқ. Худди шу боис инсоншуносликда шахсга оид бир қатор терминлар, тушунчалар, атамалар қўлланилиши анъана тусига кирган, жумладан, шахс, инсон, одам, киши, субъект, индивид, индивидуаллик, комил инсон, шунингдек, унга тааллуқли типиклик ва типологик хусусиятлар шулар жумласидандир. Психология фанида

муносабатлар нуқтаи назаридан «субъект — объект - субъектлараро», «субъект — субъект - объектлараро» сингари ёндашувлар мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси табиий (биологик) ва ижтимоий (социал) шартланганлик манбаларидан келиб чиққан ҳолда таҳлил ҳамда таъқин қилишга асослангандир.

Шахсга оид психоанализ, аналитик психология, индивидуал психология, неофрейдизм, бегоналашиш назарияси, гуманистик психология, эпигенетик назария, фрустрация назарияси, роллар назарияси, экзистенциал психология, тушунувчан психология, француз социологик мактаби, собиқ совет психологларининг ҳар хил назариялари мавжуддир.

Лекин бу ўринда шахснинг тузилиши, унинг табиий ва ижтимоий шартланган хусусиятлари муносабати, гишиқлик ва типологик жабҳалар, ижтимоий ва тарихийлик, филогенетик ва онтогенетик томонлари буйича концепциялар моҳиятини таҳлил қилиш масаласи илмий изланишларимизнинг мақсадига кирмайди. Худди шу сабабдан уларнинг мазмуни, тузилиши тўғрисида мулоҳаза юритиш бошқа саҳифаларга мўлжалланганлиги туфайли номларини таъкидлаб ўтиш билан қаноат ҳосил қиламиз, холос.

Узоқ ва яқин чет эл психологларининг қарашларида камолот онтогенетик нуқтаи назардан муайян, қатъий босқичларга ажратилган ҳолда жуда кам тадқиқ қилинган. Шунинг учун биз шахсан ўзимиз таклиф қилаётган схема буйича мулоҳаза юритамиз ва камол топиш босқичлари ҳамда уларнинг ўзига хос хусусиятларининг моҳиятини очиб беришга ҳаракат қиламиз. Уларни қуйидаги даврларга ажратиб таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ: муртаклик (эмбрионал), одам (индивид), инсон, шахс, субъект, комил инсон.

Шахснинг камолоти муртаклик даврдан бошланиш тўғрисидаги асосли фикрлар А.Валлон, Д.Бромлей тадқиқотларида, айрим психологлар ва психофизиологларнинг мақолаларида учрайди, холос. Шу нарсени таъкидлаб ўтиш жоизки, муртаклик

даврининг ўзига хос хусусиятларини ақс эттириш имконияти муайян даражда мавжуд эканлиги нафақат психологлар, балки табиатунослар, биологлар, физиологлар томонидан тавсифлаб берилганлиги, тиббиёт мутахассисларининг эса бу борада ўзларининг қарашлари, ёндашувлари шаклланганлиги назарий мулоҳаза юритиш учун асос бўлиб хизмат қила олади.

Муртақлик даврини камолот босқичига киритган тадқиқотчилар А.Валлон ва Д.Бромлей бўлиб ҳисобланади. Жумладан, Д.Бромлей мазкур даврни қуйидаги босқичларга ажратиб таҳлил қилишни тавсия қилади: зигота — эмбрионал — ҳомила — туғилниш олди. А.Валлон эса онтогенезнинг таркибий қисми сифатида уни камолот босқичи қаторига киритади. Мазкур психологлар муртақлик даврини инсоннинг умумий камолоти нуқтаи назаридан таҳлил қилмайдилар, балки улар онтогенезнинг (туғилгандан то умрнинг охиригача давр) таркибий қисми сифатида талқин этадилар, ҳоланки Ушбу даврнинг ўзига хос томонлари ва хусусиятларини психологик жиҳатдан ёритиб беришга интиладилар ва бу йўналишда маълум бир ютуққа эришишга муяссар бўладилар.

Уларнинг илмий — амалий мулоҳазаларини асосли далил сифатида қабул қилган ҳолда бу борадаги ўз шахсий мулоҳазаларимизни билдираемиз. Бунинг учун муртақлик даврининг муайян таркиблардан иборат эканлигини изоҳлаш ва тавсифлашнинг ўзи kiffoя. Жаҳон психологлари ва физиологларининг фикрларига қараганда, мазкур камолот даврининг ҳар бир босқичи ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, маълум бир маънода қулай (сензитив) палла сифатида муайян функция бажаради.

Муртақликнинг зигота (уруғланиш) босқичи энг масъулиятли даврлардан бири бўлиб, у ҳам табиий (биологик), ҳам субъектив (шахсий психологик), ҳам ижтимоий (социал) омиллар таъсирида вужудга келади. Бутун масъулият онанинг зиммасига тушади, бинобарин, унинг ҳомилага нисбатан муносабати, унга

зарур шарт — шароитлар яратиши, инстинктив хусусиятли ҳимоя функциясининг янги тулиши, оғриқ сезгиларининг кучайиши ва уларга нисбатан чидам — бардош, сабр сифатлари билан қарама-қарши тура олишлик зингата яшовчанлигини таъминлайди.

Онанинг хотиржамлиги, айрм қийинчиликларни енгиш хоҳишининг mavжудлиги, табиий эҳтиёжларни қондириш даражаси, нозик эл, ниязлар ва ширин ҳиссий кечималар билан банд қанчалар муношарин бакуват ўсишга замин ҳозирлайди. Агрессия (маҳнэ қилувчи) туйғулар оламга қаршилик, қўрқоқлик, стресс (зўриқош, тинчлик) ва афрқ қўрқобланни) ҳолатларига берилмастани, шижоат, ҳижоат, таъвиқланни, ҳушдорлик, оқибат таъбиқ, ўзлик вужудга келтириш қилиш яратеди.

Организмнинг соломлиги, табиий эҳтиёжлар қондиришда таъбиий ўсишни жадал қилиш учун пухта ветиш қилиш келтиредди, бинобарини, қўрқоқлик дастлабки оқибат қилиди.

Ҳомилага бошқача бўлган ярак учун муҳим аҳамият қилиш таъбиқ жисмоний баркамол ширин, асаб таъими, соломлик қилги ярам қилувари, ҳомила билан тана аъвоқларга пайдо бўлишининг ва ўсишининг манбаи вазифасини бажареди. Ушбу бошқача таъбиқчиларга эътибор берилш мақсадга мувофиқ:

- ҳомилаганинг жисмоний ўсишини узлуксиз равишда таъминлаш учун оқсиллар, витаминлар ва бошқа турдаги озукаларга нисбатан табиий эҳтиёжини қондириб туриш;
- унга салбий таъсир этувчи қўзғатувчилардан сақланиш, ижобий ҳис — туйғулар уйғотувчи ҳодисалар тўғрисида кўпроқ ўйлаш;
- қалтис жисмоний ва соматик ҳаракатлардан ўзини тийиб туриш, зўриқишнинг узлуксиз равишда олдини олиш;
- ҳомилага сенсор таъсир ўтказишни одатий психологик ҳолатга айлантириш;

- контакт ва дистант муомала воситаларидан фойдаланиш;
- шахслараро муносабатда мулоқот маромларига риоя қилиш;
- биоритмика ва психометрия қоидаларидан оғишмай фойдаланиш;
- ижтимоий ҳодисаларга нисбатан лоқайдроқ муносабатда бўлиш ва ҳоказо.

Табиий эҳтиёжларни қондириш, зарур шарт — шароит яратиш, нафосат туйғулари билан ҳамкорлик, кун тартиби асосида фаолият ва хулқ ҳаракатларини амалга ошириш ҳам табиий, ҳам маънавий гўзалликни шакллантиради. Орзу, истак, тилак, хоҳиш туйғулари ёрдами билан образларни яратиш ташқи таъсирнинг энг кучли механизми функциясини ўтайди. Хужайралар, нейронлар орқали кириб бораётган ахборотлар қанчалик нозик, нафис, гўзал бўлса, ҳомилада гўзалликнинг ҳам табиий шакли, ҳам характерологик жабҳаси ўз аксини топади.

Муртакликнинг туғилиш олди босқичи ташқи таъсирга берилувчанлиги билан бошқаларидан ажралиб туради, худди шу боис бунга алоқида аҳамият бериш зарур. Ҳомила ўзининг тузилиши, тана аъзоларининг такомиллиги, уларнинг мақсадга мувофиқ ҳаракати билан чақалоққа жуда ўхшаб кетади. Унинг боладан фарқли ўлароқ томони она организми орқали озикланиш ва нафас олишидир. Бу воқелик илмий тилда плацентар ҳодиса деб аталиб, жамики, нарса бир марказдан бошқарилиши ёки таъминланишини билдиради.

Ҳомиладаги идеомотор (ихтиёрсиз) ва мотор (ички ёки ташқи таъсирга мақсадли жавоб реакцияси) ҳаракатлари ортиб бориши туғилиши тайёргарлигидан далолат беради. Ушбу хатти-ҳаракатлар жажжи одамнинг қаршилиқ кўрсатишини, зиддиятли вазият вужудга келаётганлигини англатади. Онанинг у билан мулоқотга киришуви тарбиявий таъсир ўтказишнинг реал аломати сифатида намоён бўлади. Сезгир тиббиёт

асбоблари ёрдами билан уни текшириб туриш дастлабки диагностик ва коррекцион ишларнинг дебочаси ҳисобланади.

Инсонда юз берадиган субсенсор, субцептив юксак идрок шакллари туғилиш олди бўсағасида ёрқин намоён бўла бошлайди. Ҳаракатнинг суръати, мазмуни, давомийлиги сифатлари бўйича бўлғуси чақалоқнинг темперамент хусусиятларини ва унинг асаб тизими типини аниқлаш имконияти мавжуд.

2. Одам (индивид)лик даври туғилганидан то унда нутқ пайдо бўлгунга қадар вақт бирлигини қамраб олади. Унинг муҳим томонлари мана бундай ҳолатларда кўзга яққол ташланади:

- эмбионал давридаги планцентар тизими ўрнини орал (мустақил ҳазм қилиш) эгаллайди, яъни мустақил нафас олиш, қон айланиш ва бошқалар табиий равишда чақалоқда юз бера бошлайди;
- табиий ҳолатларга ва муҳитга мослашиш (адаптация) теварак — атрофни билиш бошланганлигидан далолат беради;
- ҳар хил турдаги ҳаракатларни амалга ошириш, жисмларга чанг солиш, уларга интилиш нарсаларни билишга нисбатан ҳаракатини билдиради;
- ота — она ва қариндош — уруғларини таниш, сезги, идрок, хотира жараёнлари ўсишини англатади;
- жисмларга разм солиш, унинг тузилиши ва ранги билан қизиқиши яққол тафаккурнинг ифодасидир;
- унда эмоция ва ҳиссиётнинг пайдо бўлиши муомалага кириши эҳтиёжини намоён этади;
- эмаклаш, тик туришга интилиш укувининг пайдо бўлаётганлиги фазовий тасаввурни акс эттиради ва бошқалар.

Мазкур даврда шахслараро муносабатга киришиш, микро ва макро муҳит хусусиятлари ҳамда ҳолатларига боланинг шахсий реакцияси, улардаги ўхшашлик ва

фарқни ажрата билиш унинг ўсишини билдиради. Сўз орқали нарсалар ва ҳодисаларни ифодалаш ҳамда тушунтириш жараёни юзага келгунига қадар муомала, хулқ, ҳаракат орқали табиат ва жамиятни содда тарзда билиш амалга ошади. Худди шу сабабдан камолотнинг дастлабки босқичларидан бири сифатида индивидуаллик даври ўзини – ўзи англашга пухта негиз тайёрлайди.

3. Инсон даври ўзини – ўзи англашдан бошланиб, жисмоний, ақлий ва ижтимоий камолотга эришув жараёни амалга ошиши билан тугалланади. Ушбу давр инсоний хислатларни этник гуруҳ аъзоси сифатида мукамал эгаллаш билан бошқа тараққиёт паллаларидан ажралиб туради. Алоҳидаликка оид хусусиятлар қуйидагиларда ўз аксини топади ва у икки босқичдан иборат бўлади:

I. Нутқнинг пайдо бўлишидан то 6-7 ёшгача:

- болада фазовий мувозанатнинг вужудга келганлиги;
- ўзини – ўзи англашдан иборат «Мен» даврининг мавжудлиги;
- нутқда она тили бойлигидан унумли фойдаланиш имкониятининг туғилиши;
- миллий урф – одатларга, хулқ - атвор қоидаларига риоя қила олиши;
- муомала мароми, ижтимоий қадриятларни эгаллаши;
- ўйин ҳамда фаолиятнинг бошқа турларини ўзлаштириш негизида миллий ва умумбаъшарий фазилатларнинг шаклланганлиги;
- индивидуал – типологик хусусиятларнинг аниқ намоён бўлиши;
- барча жиҳатлари билан мактаб таълимига тайёрлиги;
- гуруҳий ҳамкорлик укувидан хабардорлиги.

II. Ўсмирлик даври хусусиятларининг акс этиши:

- жисмоний жиҳатдан мукамалликка интилишнинг мавжудлиги;

- фаолият, хулқ ва муомала жараёнларида типологик хусусиятларга эришилганлиги;
- ақлий, ахлоқий, характерологик хусусиятлари шаклланганлиги;
- турли шаклдаги ва тузилишдаги (тенгқурлари, катта ёшдагилар, расмий ва норасмий, реал) гуруҳларда ўзини — ўзи англашнинг намоён қилиши;
- ижтимоий ҳаётда ва фаолиятда ўзини — ўзи тасдиқлашга имкони борлиги;
- ижтимоий турмушнинг ҳар бир жабҳасида фаоллик кўрсатиши;
- ўқув фанларига дифференциал муносабатнинг қарор топиши; муайян эътиқод, дунёқараш, шахсий муносабатнинг мавжудлиги;
- ташқи таъсирларга берилувчанлиги, хулқ - атворга қатъиятлик етишмаслиги;
- фантазия ва ўзига бино қўйишнинг устуворлиги ва бошқалар.

Мактаб таълимига тайёргарлик босқичида тўпланган билимлар кўлами умрнинг қолган йилларида кутилиши тахмин қилинган қисмининг яримига тенгдир. Бундан кейинги даврда ўзлаштирилиши мумкин бўлган билимлар шаклан эмас, балки мазмунан, сифат жиҳатидан бойиб, такомиллашиб боради, холос. Ўсмирлик даврида инсонга берилган табиий имкониятлар рўёбга чиқади, ижтимоийлашув, жисмоний ўсиш жадаллашади, натижада етукликка пухта шарт — шароитлар яратади. Табиатга, жамиятга ва шахслараро муносабатга нисбатан шахсий позиция-муносабат вужудга келади. Бунинг натижасида мустақил фикрлаш, қарор қабул қилиш, хулқ - атвор ва фаолиятни амалга ошириш имконияти туғилади. Бу ҳолат камолот кўринишини намоёиш этади, инсоний фазилатлар, хислатлар, сифатлар ва хусусиятлар таркиб топганлигини билдиради.

4. Инсон камолотининг шахс даври етукликнинг муайян босқичи ҳисобланиб, ижтимоий ҳаётда алоҳида

аҳамият касб этади ва ўзининг кўрсаткичи билан муҳим роль ўйнайди. Шахс даври бир неча тараққиёт босқичларини акс эттириб, унда илк ўспиринлик, ўспиринлик ва ёшликни қамраб олади.

Унинг биринчи босқичи балоғат деб номланиб, 15-16 ёшдаги ўғил - қизларни ўзида жамлайди. Бу босқичда ушбу хусусиятлар кўзга бевосита ташланади:

- жисмоний баркамолликнинг ифодаланиши;
- руҳий жиҳатдан муайян кўрсаткичга эришганлиги;
- ижтимоий ва ижтимоий психологик жиҳатдан муайян етқуликка эришув;
- хулқ, фаолият ва муомала жараёнларида индивидуалликнинг шаклланиши;
- эътиқод, дунёқараш ва позицияда барқарорликнинг мавжудлиги.

Шахс таркиб топишининг иккинчи босқичи ихтисос эгаллаш деб аталиб, 17-18 ва 21-23 ёшдаги баркамол йигитлар ва бокира қизлардан ташкил топади, касбий фаолиятни эгаллашнинг ўзига хослиги билан бошқа тараққиёт паллаларидан ажралиб туради. Ушбу ҳолатлар ўзига хослиги билан намоён бўлади:

- билимлар, кўникмалар ва малакалар эгаллашдаги индивидуаллик;
- фаолиятнинг индивидуал услубининг пайдо бўлиши;
- касбий мотивациянинг устуворлиги;
- маънавий эҳтиёж, барқарор қизиқиш, қатъият етакчилиги;
- мутахассисликка муносабатнинг шахсий позицияга бўйсунганлиги;
- коллеж ва олий мактаб муҳитининг ўзига хослигининг улар шахсиятида ифодаланиш;
- амалиётга ва муҳитга мослашишнинг сифат жиҳатидан тафовутланиши.

Шахс шаклланишининг учинчи босқичи ёшлик давридан иборат бўлиб, ихтисосий етукликни ўзида акс эттиради. Кўпинча баркамоллик аломатлари қуйидагиларда ифодаланади:

- касбий, ихтисосий индивидуаллик, бетакрорлик, ўзига хослик юзага келиши;
- касбий, ихтисосий маҳорат даражасига эришув;
- ўз соҳасида ташаббускорлик хусусиятини намоиш этиш;
- ижтимоий баҳолаш экспертизаси-текшириш мезонларига батамом мос тушишлик.

Шахснинг маълумот даражасига қарамай, юксак кўрсаткичларга эришуви унинг камолотидан дарак беради. Ўз соҳасида касбий, ихтисосий маҳоратини намоиш этиш етукликнинг юксак даражасини билдиради ва жамоатчилик фикрида илиқ из қолдиради. Ташаббускорлик таклифлари, ихтиролари соҳадаги муваффақиятни ифодалаб бериб, бетакрор шахс эканлигини исботлашга хизмат қилади. Ноёб касб эгаси, феноменал қобилиятли, истейдодли етук шахс шаклланганлиги ижтимоий – тарихий воқелик сифатида юксак баҳоланади.

5. Инсон камолотининг навбатдаги даври субъект деб номланиб, ўзига хос хусусиятлари билан умрнинг бошқа паллаларидан ажралиб туради. Ҳар қайси шахс субъект даражасига ўсиб ўтиши мумкин эмас, лекин унинг айрим хусусиятларини эгаллаш имкониятига эгадир. Субъект ўзининг мана шу хусусиятлари билан шахсдан тафовутланади:

- хулқ - атворда, фаолиятда, муомалада мустақилликнинг устуворлиги;
- ижтимоий ҳаётнинг ҳар бир жабҳасида шахсий позицияга эгалик;
- илғор инсонпарварлик ғояларини илгари суриш ва оригиналлиги, ностандардлиги, инновацион эканлиги билан ажралиб туришлик;
- ғояларни қарор топтиришда объектив ва субъектив тўсиқларни енгиш.

Субъектнинг энг муҳим кўрсаткичи – бу профессионализмга эришув ва ижтимоий – сиёсий етукликни намоиш қилишдир. Номдор мутахассислар, фан ва техника, жамоат арбоблари, ижодий – тарихий

фикрловчилар, сиёсатчилар, давлат раҳбарлари субъект босқичида фаолият кўрсатишлари мумкин. Шунинг учун ушбу вазиятда оммавийликка эришувга интилиш жамиятнинг тараққиётини тезлаштириш сари етаклайди, фидоий, толиқмас кишилар сафини кенгайтиришга хизмат қилади.

6. Комил инсон гоёси инсониятнинг асрий орзуси бўлиб ҳисобланади ва ушбу даражага эришиш борлиқни, табиатни, жамиятни билишнинг муҳим манбаи саналади. Комил инсон тўғрисида тасаввуф, суфизм, илмий мактаблари муайян маълумотлар тўплашга муваффақ бўлганлар, шунингдек, бу мавзуга оид қарашлар жаҳоннинг инсонпарварлик гоёлари билан қуролланган аъломаларнинг кўлашиларинда алоҳида ўрин эгаллаган. Уларнинг назарияларига танқидий муносабатни билдириш мавруди бўлмаганлиги сабабли фақат таъкидлаб ўтиш билан kifояланамиз, бинобарин: тарикат, ҳақиқат, маърифат тўғрисида мулоҳиза юритганимиз. Аксинча, бу борала ўзимизнинг шахсий қарашларимизни баён қиламиз, холос. Бизнингча, ҳозирги замон нуқтаи назаридан мазкур муаммага ёндашсак, комил инсонликни тўрт босқичга ажратиб талқин қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

1. Инсон камолотининг бу босқичига келиб ўзининг соҳаси бўйича пири ихтисос даражасига эришади. Бунинг натижасида етук инсон ҳаёт ва фаолиятда ижтимоий – тарихий психологик намуна босқичига ўсиб ўтади, ўзининг салоҳияти билан соҳани тараққий эттириш манбаига айланади. Индивидуаллик намунаси миллий ва инсоний аҳамият касб этади, тараққиётни ҳаракатлантирувчи механизм вазифасини бажаради. Бу босқичдаги инсонларнинг асосий хусусиятлари қуйидагиларда ўз аксини топади:

- юксак ақл – заковатга эгалик, интеллектуал фаолиятда маҳсулдорлик;
- антиципация кундалик фаолият маҳсуласига айланганлик, яъни амалга ошириш

режалаштирилган фаолият натижасининг олдиндан моделини яратиш;

- ҳулқ, фаолият, муомала жараёнларида ўз имкониятини оқилона баҳолаш ва ўзгалар томонидан худди шундай даражага эришиш;
- соҳага оид талант ва салоҳиятнинг амалий ифодаланишини таъминлаш.

II. Ихтисослараро билимдонлик комил инсон камолотиниши навбатдаги юксак босқичи бўлиб, ҳозирги даврда бир неча соҳалар бўйича муқаммал билимларга, қарашларга эгаллиги билан тавсифланади. Соҳаларнинг кенгайиши туфайли бу даражага эришиш имконияти тобора чекланиб бормоқда, чунки фан ва техника жидат суръатлар билан ўсиши, ахборотлар оқибатдагина эмас, айни сийиш орқилик йўл билан қилиниши келтириб чиқди. Фақатий ва энтузиастликлар тўғрисидаги мақола ҳамда шифа қўлини эришиш билан пайванд бўлиш, унинг имконияти эришга эришати. ҳаётларни муҳимда келтирмоқда.

Ихтисослараро билимдонлик ўннга ҳос икки хусусияти билан олинқи камолот босқичларидан ажралиб туради:

- узлуксиз равишда кашфиётларни амалга оширишига қобилик;
- ҳар бир ихтисос предметига оид қарашларда мукаммалликка, сермахсулликка ва динамизмга эришиш.

III. Комил инсоннинг навбатдаги камолот босқичи ақлий донишмандлик деб аталиб, табиатга ва жамиятга, биосфера ва ноосферага нисбатан супер онглилик кўрсаткичига эришиш билан тавсифланади. Ақлий донишмандлик ахлоқий маданият, юксак ҳис — туйғулар, муомала мароми, табиат ва жамият нормаларига риоя қилишлик билан узвий уйғунликда ҳукм суради. Ахлоқий етуклик сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий онг кўринишларига оқилона ёндашишни таъминлайди.

Сезгилар деганда, моддий дунёдаги нарсаларнинг айрим хоссалари ва ҳодисалар инсоннинг сезги органларига таъсир этиб, муайян танловдан (селекциядан) ўтгандан кейин унинг онгида акс эттирилиши тушунилади. Бошқача сўз билан айтганда, сезги инсонларнинг ташқи таъсирни қабул қилиш қобилияти ва шундай таъсирдан олинган ҳис — туйғу, билиш жараёнининг содда ва бошланғич шакли, босқичи ҳисобланади. Сезгилар уч гуруҳга бўлиб ўрганил инади: а) кўриш, ҳис билиш, там сезиш, туюш экстерорецептив сезгилар; б) органик сезгилар, яъни ички органларнинг фаолияти тўғрисида хабар бериб турувчи — интерорецептив сезгилар; в) кинестетик (ҳаракат), мувозанат, тебраниш (вибрация) — проприорецептив сезгилар.

Сезгирлик деганда, сезиш қобилиятининг юксак даражада ривожланганлиги тушунилади. Касб танлашда шахснинг сезгирлиги муҳим роль ўйнайди. Ҳаво мусаффо пайтда кўзимиз 25 километр масофадаги шамнинг ёруғини илғайди. Буюмнинг оғирлигига атиги 3-4 грамм кўшилиши билан сезги органларимиз оғирлик ўзгарганлигини сеза олади. Сезги органларининг фарқ сезиш чегараси ёруғлик учун — кўзғалиш (таъсир)нинг юздан бир, товуш учун — ўндан бир, босим учун **учдан бир** бирлигига тенг. Инсоннинг кўзи ярим миллионга яқин ранг — тусни ажрата олади. Бундан чиқадиган асосий хулоса шундан иборатки, фарқни сезиш чегарасининг паст ёки юқори бўлиши кўпчилик касб — ҳунарлар учун муҳим аҳамиятга эга.

Сезги органларининг атроф муҳитдаги ўзгаришларга мослашувчанлик қобилияти ниҳоятда кучли. Масалан, кўзнинг ёруғлик нурларига нисбатан сезгирлик даражаси 200000 (икки юз минг) баравар орттириши, бинобарин, кўз қорачиғи 17 баравар катталашishi мумкин. Одатда ҳар қайси шахснинг сезиш қобилияти ҳар хил даражада ривожланган бўлади.

Сезгирлик шахснинг муҳим хусусиятларидан бири бўлиб, маълум фаолият тури билан шуғулланиш

сезгирликни оширади. Бунинг учун инсон мунтазам равишда машқ қилиши ва машқ жараёнида сезгирликка нисбатан талабни ошира бориши, ишда сустликка йўл қўймаслик зарур. Ўспиринларнинг руҳий тетиклигини, жисмоний фаоллигини ошириш, меҳнатга, касб — ҳунарга қизиқтириш уларнинг сезгирлиги, зийраклигини ошириш гаровидир.

Айни пайтда сезги органларига таъсир этаётган объектни мавжудод, нарса ва ҳодисаларнинг инсон онгидаги инъикоси идрок деб аталади. Вербал ва новербал хусусиятлари билан бошқа билиш жараёнларидан фарқланади. Идрок воқеликни акс эттиришнинг сезгига нисбатан юксак шакли бўлиб, ҳодисалар, нарсалар ва объектларнинг яхлит образини яратади.

Ўспиринларнинг ўқиши, меҳнат фаолияти, муомала жараёни, касб танлаши учун фазо ва вақтни идрок қилишнинг катта аҳамияти бор. Ҳар қандай касб — ҳунар, ихтисос ва мутахассислик учун иш суръати, вақт, иш қуроллари, воситаларининг фазода қандай жойлашганлигини аниқ билш талаб қилинади. Шахсан касбга йўллашда унинг оламни идрок қилиш имкониятидан иборат фазилати ва кузатувчанлиги алоҳида роль ўйнайди. Баъзи бировлар моддий нарсаларга нисбатан кузатувчан бўлса, бошқалар психологик жиҳатдан кузатувчандир. Шахснинг атроф муҳитдаги нарса ва ҳодисалар ҳақида чуқур фикр ярита билиши унинг идроклилик даражасига боғлиқ бўлиб, бу фазилат касб танлашда жуда асқотади.

Бирор кимса, нарса ёки ҳодиса ҳақидаги таассуротни эсда сақлаб, эслаб қолиш ва кейинчалик эсга тушириш, репродуктив ва продуктив ҳолатни акс эттириш қобилияти - хотира деб аталади. Хотиранинг ҳаёт, фаолият, муомала ва хулқ - атвор жараёнларини акс эттириш қобилияти муҳим хислатдир.

Ҳаракат хотираси (ҳаракатни эслаб қолиш, эсга тушириш, эсда сақлаш, таниш, эслаш, такрорлаш), эмоционал хотира (ҳис-туйғулар билан алоқадор

эмоционал кечинмаларнинг воқелик билан уйғунлиги), тасаввур хотираси (буюмларнинг кўриниши, шакли, қиёфасини эслаб қолиш ва эсга тушириш), сўз — мантиқ хотираси (сўзлар ва нутқ билан узвий боғлиқ бўлган фикрларни эслаб қолиш ҳамда эсга тушириш) ва бошқалар фарқ қилинади.

Бундан ташқари, хотира фаолиятнинг мақсадига қараб — ихтиёрий ва ихтиёрсиз эслаб қолиш ва эсда сақлаш, муддатига қараб — қисқа муддатли, узоқ муддатли, оператив ва бошқа хотира деган турларга ҳам ажратилади. Хотира, ўз навбатида кўрғазмани, образли, сўз — мантиқ, абстракт, ҳаракатли ва оралиқ типларга ҳам ажратилиб ўрганилади.

Ёшларни касбга йўллашда уларнинг хотирасидаги шахсий фарқларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ. Уқув материалларининг турли туманлиги хотирани ўткирлаштириш, ривожлантириш учун қулай шароит яратади. Чунки касб — ҳунарнинг хилма — хиллиги хотиранинг ўткирлигини талаб қилади.

Хотиранинг ҳамма турлари, ўзига хос жиҳатлари касб-ҳунар, ихтисос, мутахассислик танлашда, турли — туман касблар тўғрисидаги маълумот ахборотларни ўзлаштириш, эслаб қолиш ва кейнчалик эсга туширишда жуда муҳим рол ўйнайди. Бирор ихтисосни эгаллаш учун хотиранинг юқорида таърифлаб берилган турларидан бирортаси албатта керак бўлиб қолади. Бу эса, ўз навбатида ишнинг самарали бажарилишини таъминлайди.

Ақлий меҳнат билан шуғулланувчиларнинг хотираси айниқса ўткир бўлиши лозим.

Тафаккур воқеликнинг мияда бевосита зухур этилган мавҳум ва умумлаштирилган инъикоси бўлиб, инсоннинг олам ҳақидаги билимининг асосий манбаи бўлган сезгилари, идроки ва тасаввурлари ҳамда амалий фаолияти билан боғлиқдир. Тафаккур шахсни билимлар тизими билан қуроллантиради, қудратли табиат кучларини ўзига бўйсиндириш учун имкон туғдиради. Барча билимлар фикр юритиш йўли билан

ўзлаштирилади. Билимларни англаш натижасида тушунчалар, мулоҳазалар ва хулосалар келиб чиқади. Инсон фикрлаш, мулоҳаза юритиш, ижодий изланиш натижасида муаммолар ва муаммоли вазиятлар ҳал қилинади, янгилик яратади, ижод (креация) қилади.

Ақлий қобилият инсонга хос юксак фазилат бўлиб, муайян операциялар, хатти — ҳаракатлар ёрдами билан рўёбга чиқади. Инсон меҳнат фаолиятининг барча соҳаларида ўзининг ақлий қобилиятидан самарали фойдаланмоғи зарур.

Ўспиринларнинг фикр юритиш қобилиятини аниқловчи муҳим мезонлардан бири муаммоли вазиятдир. Таълим жараёнида ўқувчиларни ёки талабаларни муаммоли вазиятни, топшириқни ечишга ўргатиш уларнинг бу ақлий қобилиятини ривожлантиришга катта ёрдам беради. Бунинг учун талабаларга муаммоли, жумбоқли топшириқни ечиш босқичларини таърифлаб бериш жоиз. Бунда қўйилган муаммонинг моҳияти тушунтирилади, уни ечиш усуллари, воситалари қидирилади, танланган усул ҳамда воситалардан фойдаланиб муаммо ечилади, унинг тўғри ечилганлиги текширилади ва ҳоказо.

Таълим олдида қўйилган мақсадга эришиш учун бир элемент ортиқча берилган ёки бирор шарти етишмайдиган, ё бўлмаса ўзаро мантиқан боғланмаган топшириқ ҳамда масалалардан муаммо сифатида фойдаланилса жуда қимматли натижа олинади. Қўйилган муаммонинг касб-ҳунарга алоқадор бўлгани маъқул. Муаммони ҳал қилишда тафаккурнинг мустақиллиги, ихчамлиги, тезлиги, мантиқийлиги, изчиллиги, ўткирлиги, теранлиги, маҳсулдорлиги жуда катта аҳмиятга эга.

Хуллас, тафаккурнинг ҳозиргача фойдаланилаётган имкониятларини зудлик билан ишга солиш касб танлаш самарасини ошириш ишига хизмат қилишга ишончимиз комил.

Ҳаёлот (фантазия) объектив воқеликни инсон онгидаги ўзига хос инъикоси, реал ёки нореал ҳодисалар

ҳақидаги ўй, фикр, фаразга асосланган тасаввурлар мажмуасидир. Биронта, ҳатто энг чалқаш фаразий тасаввур ҳам шахс ақлнинг фақат субъектив маҳсули ҳисобланмайди, оқибат натижада бу тасаввурда объектив воқелик акс эттирилган бўлади. Шунга кўра инсон фаолиятининг қандай тури учун, шу жумладан олимнинг фараз яратиши, воқеликни баҳорат қилиш, ходисаларнинг сабабларини тахмин этиш учун ҳаёлот жуда зарурдир. Ҳуқуқчи ёки талабанинг фаразий тасаввури етарлича ривожланмаган бўлса, таълим жараёнида кўзланган мақсадга эриша олмайди.

Янгилик яратишга интиланган ҳар қандай шахсни ижодий фаразсиз тасаввур этиб бўлмайди. Янгилик яратиш йўллари фараз қилиш жараёнида вужудга келади. Инсон орзу, эзгу ният қилмасдан, ҳаёл сурмасдан, ўйламасдан яшай олмайди. Ижодий изланиш шахснинг психологик тавсифи учун катта аҳамиятга эга. Шахснинг ҳаёл суриш, фараз қилиш, тасаввур этиш қобилиятига қараб унинг маънавий дунёси тўғрисида муайян даражада аниқ фикрга келиш мумкин. Инсон фаразий образлар, тасвирлар, тасвирлар туфайли тобора сезгир, меҳрибон, хушмуомала, сахий бўлади.

Шундай қилиб, фаол билиш жараёни инсон фаолиятининг ҳамма турларида бир текис иштирок этади ва акс эттиришнинг муқаммал билиш имкониятини кафолатлайди. Билиш жараёнининг хусусиятлари, механизмлари ва қонуниятларига таяниб иш тутган шахс камроқ хато қилади. Бу омиллар унинг хатоларига нисбатан онгли муносабатда бўлишига, йўл қўйган камчиликларини ўз вақтида тузатишига имкон яратади.

Шахснинг хулқ - атвори, темпераменти, салоҳияти ва бошқа хислатлари касб танлашда алоҳида аҳамият касб этади. Темперамент шахснинг руҳий хусусиятларидан бири бўлиб, алоҳида олинган инсон шахсида руҳий жараён ва фаолиятнинг вужудга келиши, ўтиши, кечиши ва динамикасини белгилаб беради. Лекин психик фаолият динамикаси темпераментга эмас,

балки шахсий сабабларга ва шахснинг руҳий ҳолатига боғлиқдир. Худди шу боисдан инсон, темпераментидан қатъий назар, масъулият ҳиссини сезса, ўз касбида ғайрат билан ишлайди, касбини ёқтирмаса, аксинча, сустаншлик қилади.

Темперамент инсон психик фаолиятининг хусусияти бўлиб, физиологик асосини, асаб тизимининг типлари, олий асаб фаолияти қонуниятлари ташкил этади. Темперамент тўртта асосий типга ажратилади: сангвиник (хушчақчақ), флигматик (бўшанг, оғир), меланхолик (ғамгин), холерик (қизиққон).

Темперамент шахснинг бамаънилигини; дунёқараши, нуқтаи назари, эътиқоди, қизиқишлари ва ҳоказоларини кўрсатувчи белги эмас.

Ҳозирги даврда темперамент типларининг психологик таърифи сензитивлик, реактивлик, активлик, таъсирланиш тезлиги, лабиллик, динамиклик, реактивлик билан активлик муносабатларнинг мувозанати, ҳаракатнинг равонлиги, ригидлик (қотиб қолганлик), экстровеертлик ва интравеертиик каби хусусиятларига асосланиб тузилади. Психология фанида темпераментнинг ўттиздан ортиқ (баъзан қириқдан кўпроқ) типидан олинган. Амалиётда эса асосан экстраверт ва интраверт типлари кўпроқ қўлланади. Шахсни касбга йўллаш жараёнида темпераментнинг психологик таърифи берилиши шарт.

Сангвиник — жуда фаол, ҳар бир нарсага ҳам қаттиқ кулаверади, ёлғон далилларга жаҳли чиқади. Объектлар, маърузалар диққатини тез жалб этади. Имо — ишорани кўп ишлатади, чеҳрасига қараб кайфиятини англаб олиш қийин эмас. Жуда сезгир бўлишига қарамай кучсиз таъсир (қўзғатувчилар)ни сеза олмайди, серғайрат, ишчан, толиқмас. Фаоллик билан реактивлик муносабати мувозанатда, имтизомли, ўзини тия билади, бошқара олади. Хатти — ҳаракати жўшқин, нутқ суръати тез, янгиликни тез пайқайди, ақл — идрокни тийрак, топдир, қизиқишлари, кайфияти, интилишлари ўзгарувчан. Кўникма ва малакалари тез эгаллайди.

Кўнгли очик, дилкаш, мулоқотга (муомалга) тез киришади. Хаёлот (фантазияси) юксак даражада ривожланган, ташқи таъсирларига ҳозир жавоб ва ҳоказо.

Холерик — суи сензитивлик хусусиятига эга. Жуда фаол ва реактив. Кўпинча реактивлиги фаоллигидан устун келади. Бетоқат, серзарда, тинимсиз. Сангвиникка қараганда силлиқроқ, аммо кўпроқ қотиб қолган. Қизиқишлари, интилишлари барқарор, хатти — ҳаракатида қатъийлик мавжуд. Бироқ диққатини бир объектга тўплашда қийналади. Нутқ суръати тез ва ҳоказо.

Флегматик — сензитивлиги суи. Ҳис — туйғуси ҳам ўзгарувчан, шунга кўра бундай шахсни кулдириш, жаҳлини чиқариш, кайфиятини бузиш қийин. Кўнгилсиз ҳодиса, хавф — хатар ҳақидаги хабарга хотиржамлик билан муносабатда бўлади. Вазмин, кам ҳаракат. Имо — ишоралари, мимикаси кўзга яққол ташланади. Лекин серғайрат, ишчан, фаол, чидамли, матонатли. Нутқ ва ҳаракат суръати суи. Фаросати қийиқроқ. Диққатни тўплаш секин. Қотиб қолган (регид). Диққатни кўчириши қийин. Интравертлашган. Ичдан тои. Янгиликни қабул қилиш қийин. Ташқи таассуротларига суилик билан жавоб беради.

Меланхолик — сензитивлиги юксак. Сизги чегараси кенг эмас. Аразчан, хафақон. Жимгина йиғлайди, кам кулади. Суиқаш. Торгинчоқ, ғайратсиз. Қатъийлиги ва мустақиллиги кам. Тез толиқади. Орғиқча ишчан эмас. Диққати беқарор. Ҳис — туйғуси суи ўзгаради. Қотиб қолган. Интравертлашган.

Темперамент типлари хусусиятларини фаолият талабларига мослаштириш мумкин, бунинг учун:

1. Касб — ҳунарнинг талабалар темпераментига мос келадиган турини танлаш керак. Шахснинг психик хусусиятларига мос тушадиган касбни танлаш, касбий саралаш деб юритилади;
2. Талабаларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш лозим;

3. Темпераментга хос камчиликларини (иллатларни) баргараф этиш керак. Демак, шахсни қайтадан шакллантириш йўли билан темпераментни фаолият талабларига қисман мослаш мумкин;

4. Индивидуал услубни шакллантириш зарур. Талабанинг фаолиятга оғли, фаол ва ижодий муносабатда бўлиши бунинг учун энг зарур шартдир.

Шахснинг хулқ-атвор хусусиятлари уни фаолиятга ундовчи асосий омил ҳисобланади.

Психология фани шахснинг феъл-атвори хусусиятларини тўрт гуруҳга ажратиб ўрганайди:

1. Жамoa ва алоҳида шахсга нисбатан муносабатларини ифодаловчи фазилатлар: яхшилик, меҳрибонлик, талабчанлик, фахрланиш ва бошқалар;

2. Меҳнатга нисбатан муносабатни билдирувчи хусусиятлари: меҳнатсеварлик, яқовлик, виждонлилик, масъулиятлилик ва ҳоказо;

3. Нарселарга нисбатан муносабатни англатувчи сифатлар: озодалик, саришталик, авайлаш ва қўқибдилик кабилар;

4. Ўз ўзини нисбатан муносабатни ифодаловчи хусусиятлари: иззат вафелилик, керилишга эътибор, димоғдорлик камтаринлик ва ҳоказо.

Хулқ-атвор хусусиятларнинг шаклланишида ўқувчи ва меҳнат фаолиятли етакчи рол ўйнайди, чунки ўқувчи ва меҳнат жараёнида қўлланиладиган индивидуал усуллар хулқ-атворга таъсир этиб, унинг айрим хусусиятларини келтириб чиқаради. Кўнгилнинг хусусиятлар ўзига тақлид қилиш натижасида ҳам пайдо бўлади. Хулқ-атворга жанжалли (низолли) вазиятлар ҳам таъсир кўрсатади. Инсон умрининг охиригача ўз хатти-ҳаракатларини бошқариб, хулқ-атворини ўзи барқарорлаштирган бўлса, касб-хунар тинчлашга шунчалик оқилона ва қатъиятлик билан ёндошилади.

Талабалар ва ўқувчилар қобилияти, лаёқати таълим жараёнида ва меҳнат фаолиятида тобора ривожланади. Қобилият тараққиётининг юксак босқичига талант, истеъдод дейилади. Истеъдод

мураккаб ишни (фаолият) муваффақиятли, мустақил ва моҳирона бажаришга (амалга оширишга) имкон берадиган қобилиятлар тизимидир (биологик шартланган хислатлардан биттасидир).

Ўспиринларнинг қанчалик истеъдодли эканлигини аниқлаш учун ушбу хусусиятларга эътибор бериш лозим:

1. Шахснинг зийраклиги, жиддий синовга шайлиги, тайёрлиги;
2. Шахснинг меҳнатга мойиллиги, унга эҳтиёж сезиши;
3. Мантиқий фикр юритиш тезлиги, изчанлиги, самарадорлиги, ташаббускорлиги ва бошқалар.

Шахсий хусусиятлар ва қобилиятлар туғма бўлмайди (табиий аломатлари, мойиллиги мавжуддир), балки ижтимоий, шахсий ҳаёт ва фаолият жараёнида муайян омиллар, манбаалар таъсири остида таркиб топади. Лекин лаёқатлилик қобилиятининг табиий замини эканлиги шубҳасиздир. У қобилият тараққиётининг дастлабки табиий шарти сифатида намоён бўлади. Унда мия тузилиши, сезги аъзолари ва ҳаракатларнинг морфологик ҳамда функционал хусусиятлари лаёқатга нисбатан берилади.

Ёшларни касбга йўллашда уларнинг ҳис-туйғулари ва иродаларини ҳисобга олишнинг ҳам аҳамияти қийматли, чунки талабаларнинг (ўқувчиларнинг) ҳис-туйғуси, кайфияти, стресс ва объектив ҳолатлари ўрганилмаса ва эътиборга олинмаса, кўзланган, «Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури»даги улугвор мақсадга эришиб бўлмайди. Бунинг учун истеъдодли ёшларни танлаш, уларни индивидуал ўқитиш, зарур шарт-шароитлар яратиш, рейтинг ва модул тизимлари асосида уларга сабоқ бериш таълимнинг давлат стандартлари талабига жавоб берадиган, комил инсонликка интилувчи шахсларни камол топтириш кафолатидир.

Шундай қилиб, касбга йўллаш жараёнида шахснинг индивидуал — типологик хусусиятлари ва ҳис

– туйғуларини, лаёқат, истъдодни ҳисобга олиш, шунингдек, ёшларни фан асослари ва психологик билимлар билан қуроллантириш уларнинг касб-ҳунар, ихтисослик, мутахассислик олдига қўйиладиган психографик, профессиограммали талабларга мослашишга имкон беради.

Қалбимизни вазиятдан келиб чиққан ҳолда хоҳлашни ўргатайлик.

Сенека.

VIII БОБ. КАСБИЙ ФАОЛИЯТНИ БАҲОЛАШ

8.1. Раҳбар фаолиятининг ижтимоий психологик тавсифи

Бугунги кунда ишнинг муваффақияти кўп жиҳатдан корхона раҳбарларининг маҳоратига боғлиқ. Улар ўзларининг қўл остидагиларини (бўйсинувчилар) холисона ва ҳар томонлама, яъни профессионал (касбий) ҳамда шахсий фазилатларини, иқтисодий фойдалилигини ва бошқа кўпгина муносиб томонларини баҳолашда илмий ёндашади.

Ҳали ҳамма тажрибали раҳбарлар ҳам бундай маҳоратга эга эмас. Жамоа раҳбари ижтимоий – психологик муҳитга ўзининг шахсий фазилатлари ва иш усули орқали катта таъсир кўрсатади.

Юзма – юз суҳбатлишиш ва назорат қилиш, шунингдек, адабиётлардан келтирилган илмий фактлар кўрсатадики, жамоа аъзоси қуйидаги шарт шароитлар яратилган тақдирдагина раҳбарнинг ишидан қониқад.

1. Раҳбарнинг ишчиларга хайрихоҳлик ва ҳурмат руҳидаги муносабати;
2. Инсонга ўша ерда ишлаш ва нимага истъдод, қизиқиш ҳис этган бўлса, ўшани амалга оширишга имконият яратиб бериш;
3. Ҳар бир инсон бажараётган ишини тўғриборга олинишига ва тақдирланишига умид қилиш;

4. Ишчи умуммаданий фаровонликнинг ва ўз касбий маҳоратининг ўсишидан манфаатдорлиги;

5. Ҳар бир виждонли хизматчи юқори мансабга кўтарилишига умид қилади, бу фақат унинг иқтисодий аҳволи билан боғлиқ эмас, балки жамоада нуфузга эга бўлади ва ниҳоят ўз —ўзини ҳурмат қилади;

6. Ишчи ўзининг раҳбарини обрўли, юқори малакали, қатъий ва холис, жамоанинг ҳақиқий мураббийси сифатида кўришни хоҳлайди.

Ҳақиқий бошлиқ қандай бўлиши керак?

- у фақат бошлиқ эмас, балки ёш ишчиларнинг мураббийси ҳамдир;
- кутилмаган ҳолларда ўзини ишончли, ишчан ва эпчил хизматчи сифатида намоён этади;
- хайрихоҳлик билан ҳамсуҳбатини тинглай олиши, ўзининг сабрсизлигини, айниқса, бепарволигини ва ёқтирмаслигини сездирмаслиги керак;
- ишчилар билан хайрихоҳлик муносабатини ўрната билиш, аммо маълум ижтимоий масофани сақлаш, бетакаллуфлик ва ошна — оғайнигарчиликка йўл қўймаслик лозим;
- ҳар доим ўз қўл остидагиларнинг ҳаёт қийинчиликларини ечишга ёрдам бериши;
- молиявий масалаларда ҳақгўй ва беғараз бўлиши шарт;
- юқори лавозимдаги раҳбарлик билан мулоқотда хушмуомалалик ва одоб билан иш тутишга интилиши жоиз;
- танқидга ва шароитнинг ўзгаришга эпчиллик билан тезкор жавоб қайтара олиши мақсадга мувофиқ;
- ишчиларга арзирли шахсий намуна кўрсатишга интилиши керак;
- психологик муҳитни ярата олиши ва жамоада ҳамкорликни йўлга қўя олиши айтилиши мумкин.

Раҳбар фаолиятининг асосий йўналиши.

1. Бўйсинувчилар фаолиятининг ташкилоти. Фаолиятнинг бу турида раҳбардан ҳар қандай шароитда

биринчи навбатда аниқ бир соҳада, ташкилотчилик фаолияти профессионал омилкорлик, билим ва тажрибага эга бўлиш талаб этилади. Қатъий (юқори даражадаги) талабларда раҳбар учун одатий, ҳаттоки, энг юқори профессионал андозалардан фойдаланиш ҳам етарли бўлмайди, ундан ташаббускорлик, қарор қабул қилишда мустақил иш тутиш, энг муҳими — ижодий фикр юргизиш қобилияти талаб қилинади.

2. Режалаштириш нормал шароитларда раҳбар фаолиятининг бу соҳаси биринчи навбатда яқин ва келгусидаги мақсадларни тузиш, уларни муваффақиятли амалга оширишнинг самарали воситаларини топишни тақозо қилади.

Раҳбар фаолияти энг мураккаб вазиятларда режалаштиришни ижобий ва салбий натижаларини турли хил асоратли ҳолатларини ҳисобга олишга тўғри келади. Бунинг учун у режалаштиришнинг босқичлари ва мақсадларини амалга ошириш, натижаларини олдиндан кўра олиш қобилиятини шакллантириши лозим.

3. Қарор қабул қилиш. Раҳбар қарор қабул қилаётиб, табиийки, ўзининг билим ва тажриабсига суянади. Бунда ақл — заковат, етуклилик, идрок қилиш қобилияти, фикрлаш, хотира, эътибор ва тасаввур асосий роль ўйнайди. Талаб юқори бўлганда ақл — идрок максимал даражада кўринишда бўлиб, энг аввал ўтқир ақлни, актуал профессионал билимларни мантиқий ривожлантиришни назорат қилиш мавжуд ҳолат ва фаолиятини аниқ ва тез баҳолай олиш қобилиятини ифодалайди.

4. Ахборотни «юқоридан» қабул қилиш. Нормал шароитлардаги фаолиятда раҳбарда кўрсатма, йўл — йўриқ топшириқларни кўриб чиқиш «муҳит норозилик»нинг олдини олиш учун уларнинг ижросини кўл остидагиларга аниқ етказиб бера олиш талаб қилинади. Мураккаб вазиятларда жамоада эпчиллик ва истейдод намоён қилиш муҳим, зарур бўлганда раҳбарият олдида ўз фикрини ёки кўл остидаги

одамларнинг нуқтаи — назарини ҳимоя қилиши лозим. Ахборотни «пастан» қабул қилиш. Бу ерда раҳбар фаолиятининг асосий фазилатларидан бири оғзаки ахборотларни қабул қилиш билан бир вақтда эшитиш, эслаб қолиш, изоҳлаб бера олиш қобилиятини намоён қилишдир. Шундай бўлса-да, қатъий талаб шартлари фаолиятида ахборотни тўғри идрок этиш раҳбар учун етарли бўлмайди. Гапираётган одамни тезда тушуниш, у айтаётган фикрнинг оқилона асосини англаш лозим, агар керак бўлса, қисқа, тушунарли, чегарадан чиқмасдан эътироз билдириш мумкин.

6. Буйруқни амалга ошириш. Ҳар қандай шароитда буйруқни амалга оширишнинг шарти топшириқнинг мантиқий ифодаси, аниқликдир. Аммо фаолиятнинг энг мураккаб вазифаларида ҳам, ундан ташқари, совуққонлик, вазминлик, ўз — ўзини назорат қила олишлик хислатларини ифода этиши лозим.

7. Бўйсинувчиларга талабчанликни намоён қилиш. Ҳаракатнинг ҳар қандай шароитида раҳбардан педагогик одоб, тадбиркорлик, жамоа аъзоларидан ҳар бир шахснинг ўзига хослигини ҳисобга олиб, ўз талабчанлигини ифода эта олиш, аммо шу билан бирга қийин вазиятларда у принципли, қатъий, мустаҳкам характерли эканлигини кўрсата олиши зарур. Чигал, ўзаро муносабатларда бу фазилатлар раҳбарда, алоҳида ўзига хос қобилият туғдиради. Бу педагогик принципиаллик бўлиб, у шахсга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишни, тарбияловчи мақсадни ва талабнинг изчиллигини ўз ичига олади.

8. Бўйсинувчиларнинг фикрлаш қобилиятини рағбатлантириш. Бунда раҳбарнинг қобилияти чиқарган қарорларида, бўйсинувчилар ташаббускорлигида, режа, топшириқни муҳокама қилишда қулай фурсат яратганлигида, ташаббускорликка ва ихтирочиликни ривожлантирганлигида, иқтисодий манбалар, материаллар ва ҳоказоларни қидириб топганлигида кўринади. Раҳбар томонидан алоҳида куч — ғайрат талаб қиладиган шароитларда фикрлаш фаолиятини

ривожлантириш фақат унинг фаоллиги орқали рўёбга чиқавермайди. Раҳбар ёрдам сўраб мурожаат қилган ҳар бир одамнинг ёки жамоанинг фикр йўналишини қандайдир даражада олдиндан уқий олиши лозим (кўра билиши).

9. Бўйсинувчиларнинг ишлаб чиқариш фаоллигини ошириш. Бунда раҳбарнинг ишга қизиқтира олиш, талаб юқори бўлган ҳолатларда ишнинг энг қийин қисмида шахсан намуна кўрсатиши диққат марказида туради.

10. Бўйсинувчиларга таъсир кўрсатиш. Оддий ҳолларда раҳбар фаолиятининг қобилияти бошқаларни ишонтира олиши, чигал вазиятларда одамларни ўзига бўйсиндира олиши жуда муҳимдир.

11. Бўйсинувчиларни тарбиялаш. Ушбу соҳа фаолияти, маълумки, раҳбардан педагогик қобилиятни талаб қилади. Алоҳида қийинчиликлар туғилганда раҳбардан тарбиянинг энг олий инсоний принципларини инсоннинг яхши томонларини кўра олиши жамоада хатти — ҳаракти муҳокама қилинаётган, орқада қолаётган ўртоғини кўллаб — қувватлай олиши, уни ўзига ишонч туғдириш қобилиятини намоён қилиш талаб қилинади.

12. Бўйсинувчилар билан муносабат. Раҳбар ҳар қандай вазиятда ҳам шахснинг қадр — қимматини ҳимоя қилиши, бу принципни бўйсинувчилар билан ўзаро муносабатда амалга оширишга эришишида мансабдор шахслар томонидан бўйсинувчилар билан ўзаро муносабатда, ўзига нисбатан ва жамоанинг бошқа раҳбарларига нисбатан амалга ошириши лозим.

13. Бўйсинувчилар билан муомала қилиш. Нормал психологик муҳитнинг мажбурий шартларидан бири — раҳбарнинг ўзаро фикр алмашинувидир. Раҳбар инсон характеридаги мураккабликларга сабр — тоқат қилиши ва ўзаро муомаланинг энг олий кўринишини намоён қилиш, олийжаноблик кўрсатиш, инсонларга хос тасодифий хатти — ҳаракатларнинг кучсиз томонларини кечира олиш талаб қилинади.

14. Жазолаш воситаларини қўллаш. Бу соҳада раҳбар фаолиятининг асосий фазилатларидан бири — адолатлиликдир. Адолатли жазолаш-педагогик самарага олиб келувчи асосий шартлардан бири бўлиб, тарбияланувчига ижобий таъсир кўрсатадиган ишонч қобилигини юзага келтиради.

15. Мукофатлаш тадбирини қўллаш. Бундай ҳолатларда ҳолислик стратегик мақсадларда тақдирлаш воситаларидан фойдалана олиш билан исботланиши зарур, шундагина қабул қилинган қарор баҳелашаётган томонларни максимал даражада муросага келтириши мумкин, жамоа аъзолари айти шундай қарорнинг ҳолислигини ҳис этса, уни авторитар, асоссиз деб қабул қилмайди.

16. Ўз — ўзини назорат қилиш. Раҳбарнинг ҳар қандай шароитда, бевосита бажарадиган вазифаси, ўз — ўзини кузатиш, ўз — ўзини таҳлил қилиш, ўз қарорлари ва хатти — ҳаракатини назорат қилиш қобилияти назарда тутилади. Раҳбар сўзсиз муҳим руҳий ҳолатини бузмаслиги, таъсирчанликка берилмаслиги лозим.

17. Ўз устида ишлаш. Раҳбарнинг асосий фазилатларидан бири, ўз — ўзига талабчанликни, ниҳоятда қийин вазиятларда бор кучини аямасликка лаёқатли эканлигини кўрсатишдан иборат. Фақат шундагина ижодий юксалиши, ўз устида ишлаб камолатга эришиши, жамоанинг ҳурмат ва ишончини қозониши мумкин.

18. Ўз фаолиятига муносабат. Қатъий талаблар асосида (юксак савияли талаблар асосида) фаолият кўрсатадиган раҳбар «ишонч» фақат ишдан қониқиш ҳосил қилишда эмас, балки ижодий юксалишнинг намоён бўлишида энг зарурий эҳтиёждир.

19. Шахсиятни баҳолаш. Раҳбар фаолиятининг энг асосий шартларидан бири ўз — ўзини танқид қилиш, тушуниш, ўзининг камчиликлари ва ютуқларини тўғри баҳолаш, ўз — ўзини тарбия қилиш учун олдига мақсад қўя олишидир.

8.2. Касбий фаолиятни психологик баҳолаш тести

Сизга тавсия қилинаётган тест саволлари педагогик фаолиятнинг психологик диагностикасига бағишланган. Шунинг билан бирга, бу маълумотлар малакатимиздаги халқ таълими тизимини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Шахсий ва касбий сифатларингиз ҳақидаги маълумотлар.

Сиз учун қуйидаги жараёнлар фойдали бўлади:

- атгестацияга тайёрланиш кезида;
- шахсий – касбий сифатларни ривожлантиришда ва ўз устингизда ишлашни такомиллаштиришда;
- ҳаёт – фаолиятингизни қандай ташкил қилишни белгилаб берувчи ўзингизни «Мен» - концепция бўйича (ўзингиз ҳақингиздаги тасаввурни) баҳолашингизда.

Ушбу тажрибада иштирок этганингиз учун сизга олдиндан ўз миннатдорчилигимизни билдирамыз.

Ҳар бир фикрга «ҲА» (плюс) ёки «ЙЎҚ» (минус) белгисини қўйиш билан жавоб беришингиз мумкин.

1. Танишларимнинг кўплари мени ёқтиришса керак, деб ўйлайман.

2. Камдан – кам ҳолларда гапим ишимга тўғри келмайди.

3. Кўпчилик одамлар ўзларига ўхшаш томонларини менда кўришса керак, деб ўйлайман.

4. Мен ўзимни баҳолашга ҳаракат қилганимда, энг аввало камчиликларимни кўраман.

5. Мен шахс сифатида одамларни ўзимга жалб қила оламан, деб ўйлайман.

6. Ўзимга мени ёқтирган одамнинг кўзи билан қараганимда, шахсий образим ҳақиқатдан қанчалик узоқлиги туфайли нохуш ҳислар туғилади.

1. Баъзан ўзини – ўзи аяшни гуноҳ эмас, деб ҳисоблайман.

2. Меннинг «МЕН»им ўзим учун ҳар доми қизиқарлидир.

3. Шахсий ҳаётимда менга ҳаддан зиёд қалбан яқин бўлган одамларим бўлган.
4. Ўзимни — ўзим ҳурмат қилишим учун ўз имкониятимни янада ишга солишим жоиз.
5. Ўзимни — ўзим жуда ёмон кўрган вақтим бўлган ва у бир марта эмас.
6. Мен тўсатдан пайдо бўлган хоҳишимга тўла ишонаман.
7. Ўзим ҳам шахсиятимдаги кўп нарсаларни ўзгаришини истайман.
8. Мен учун шахсий «Мен»им алоҳида хислатларни ҳурматга сазвордек бўлиб туюлмайди.
9. Меннинг ҳаётимда ҳамма нарса орзу қилганимдек бўлишини сидқидилдан хоҳлайман.
10. Мен бировга таъна тошини ёғдиришдан кўра, энг аввало ўзимни айблайман.
11. Тўсатдан танишган одам учун кўпроқ ёқимли шахсдай туюламан.
12. Мен кўпинча ўз режаларимни ва хатти — ҳаракатларимни қўлаб - қувватлайман.
13. Шахсий заифликларим менда ғазаб туйғусига ўхшаш кечинмани уйғотади.
14. Мабодо мен руҳан икки киши бўлиб қолсам, у ҳолда ўзимнинг иккинчим билан қизиқарли суҳбат қилган бўлардим.
15. Ўзимнинг баъзи бир хислатларим менга бегонадек бўлиб туюлади.
16. Кимнингдир шахсиятида менга ўхшаш томони борлигини ҳис қилолмайман.
17. Уйлаган режамни амалга ошириш учун қобилиятим ва имкониятим етарли.
18. Мен кўпинча ўз устимдан кулмаган ҳолда ўзим билан ўзим ҳазиллашаман.
19. Инсоннинг шахсий ҳаётида қиладиган энг ақлли иши — бу ўз тақдирига ўзи тан беришидир.
20. Биринчи қарашда бегона одам менга қараганда ўзгалар хусусиятларини топганга ўхшайди.

21. Агар мен бирор ваъда қилган бўлсам, афсуски, бу худди айтганимдай иш тутаман, деган сўз эмас.
22. Ўзимга нисбат муносабатимни дўстлик муносабати, деб атаса бўлади.
23. Шахсий камчиликларга мурувватлилик — бу табиий ҳолдир.
24. Севган одамим учун қизиқарли манба бўлишлик менин кўлимдан келмайди.
25. Қалбимнинг тубида мен билан қандайдир муддат фалокат юз бераётгандай туюлади.
26. Мен ўз танишларимнинг кўпчилигига ёқимтой бўлиб туюлсам керак.
27. Мени севадиган одамимнинг кўзи билан ўзимга қараш жуда ёқади.
28. Менда хоҳиш — истақ пайдо бўлганда, аввало ўзимдан — ўзим «бу ақлданми?» деб сўрайман.
29. Баъзан менга шундай бўлиб туюладики, қандайдир донишманд руҳий дунёни кўра олганида эди, ўзимнинг қанчалик қашшоқ эканлигимни дарҳол англаган бўлар эдим.
30. Гоҳо ўзимдан — ўзим фахрланаман.
31. Мен ўзимни баҳолайман, десам бўлади.
32. Мен ҳақиқатдан нуфузли одам эканлигимга қалбимнинг туби билан ҳеч ишонгим келмайди.
33. Бегона одамларнинг ёрдамисиз мен кўп нарсаларни уддалай олмайман.
34. Баъзан мен ўзимни — ўзим тушуна олмайман.
35. Мақсадга йўналганлик, иродавий сифат ва қувватнинг етарли эмаслиги менга жуда халал беради.
36. Бошқалар мени етарли даражада юқори баҳоласалар керак, деб ўйлайман.
37. Меннинг шахсимда қандайдир бошқаларни ўта ёқтирмаслик тўғрисида ўхшаш нимадир бор.
38. Кўпчилик танишларим мени унчалик жиддий одам деб қабул қилмайдилар.
39. Менда доимо кўзғатувчанлик ҳисси мавжуд бўлганлиги туфайли ўзимдан — ўзим қувонаман.

40. Мен ўзимни — ўзим ҳурмат қиламан, деб айта оламан.

41. Ҳатто менга салбий хислатлар ҳам бегона эмас.

42. Асосан, мен қандай мавжуд бўлсам, худди шу нарса мени қониқтиради.

43. Мени бошқалар чинаякамга сева олмасалар керак.

44. Менинг орзуларим ва режаларим ушалишига амалий ифода етишмайди.

45. Агар менинг руҳан иккинчи «Мен»им бўлганда эди, у мулоқотда мен учун энг зерикарли шерик бўлар эди.

46. Ўйлайманки, ҳар бир қандай ақлли ва билимли инсон билан умумий тил топишса бўлади.

47. Мендаги руҳий кечинмалар, мен учун тушунарлидир.

48. Менинг ижобий фазилатларим нуқсонларимни ёпиб кетади.

49. Мени виждонсизликда айблайдиган одамлар топилмаса керак.

50. Менда кўнгилсизлик содир бўлса, ўзимга — ўзим «Қилмишинга яраша-да» деб айтаман.

51. Умуман мен ўз тақдиримга бефарқ эмасман, деб айта оламан.

Жавоб варақаси 1- иловада берилган.

Натижалар таҳлили:

«ҲА» (-), «ЙЎҚ» (-) деб жавоб берилганидан қатъий назар, жавобингизни калитга мослиги 1 балл олишингиз учун имкон беради.

1. Ўзимнинг «Мен»дан «Рози» ёки «Норози» бўлиш интергал ҳисси устуни. «ҲА»- 2, 5, 23, 27, 33, 42, 46, 48, 52, 53, 57.

«ЙЎҚ»- 6, 9, 13, 14, 16, 18, 30, 35, 38, 39, 41, 43, 45, 49, 50, 56.

Натижалар таҳлили:

0-10 балл — Сиз кўпроқ ўз «Мен»ингиздан норозисиз.

11-20 балл – Сиз ўзингиз ҳақингизда жуда юқори фикрда эмассиз, шунингдек, ўзингизга ижобий муносабатингиз сақланган.

21-28 балл. Ўзингиз ҳақингизда жуда юқори фикрдасиз, ўз «Мен»ингиздан тўла розисиз, баъзан бу ҳолат ўзликка танқидий ёндашмасликни ва ўз атрофингиздагиларга қарши қўйишни юзага келтириши мумкин.

2. Ўзини – ўзи ҳурмат қилиш устуни.

«ҲА» - 2, 23, 53, 57.

«ЙЎҚ» - 8, 13, 25, 27, 31, 38, 39, 40, 41, 50.

0-5 балл – Сизда мустақилликка, шахсий кучга, қобилият ва имкониятларга ишонч етарли эмас.

6-10 балл – Сиз ўзингизни етарли даражада ҳурмат қилсангизда, лекин ҳар қалай ўзингизга ишонмаслик, ўзингизга тушунмаслик, изчилликдан четлашиш, шахсий имкониятларга шубҳа билан қараши ҳолати баъзида учраб туради.

11-14 балл – Сиз ўзингизни юксак даражада ҳурмат қиласиз.

Сиз ўзингизга ишонасиз ва мустақилсиз.

3. Ўзини – ўзи ёқтириш устуни.

«ҲА» - 12, 18, 28, 29, 37, 46, 48, 54.

«ЙЎҚ» - 4, 9, 11, 16, 19, 24, 45, 56.

0-5 балл – Сиз кўпроқ ўзингизга «душман»га қарагандек қарайсиз, ижобий баҳолайсиз, ўзингизга ишонасиз, шу билан бирга ўзингизни айблашга тайёрсиз.

6-11 балл – Умуман олганда, ўзингизни қўллаб - қувватлайсиз, ижобий баҳолайсиз, ўзингизга ишонасиз, шу билан бирга ўзингизни айблашга тайёрсиз.

11-16 балл – Сиз ўз «Мен»ингиз билан «дўстона» муносабатдасиз. Бундай ҳолда ўз хислатларингизни ва умумий хулқингизни юксак даражада назорат қилишингиз зарур.

4. Атрофдагилардан кутилаётган муносабат устуни.

«ҲА» - 1, 5, 10, 15, 42, 55.

«ЙЎҚ» - 3, 26, 30, 32, 43, 44, 49.

0-4 балл — Сиз атрофингиздаги одамлардан салбий муносабатни кутасиз, ҳатто меҳри — муҳаббати сиз учун зарур инсонлардан ҳам яхши муносабат кутмайсиз. Сиз ўзингизга яхшилиқни чинакам раво кўрмайсиз. Ваҳоланки, ўзингизни бошқаларга ўхшамайдиган, алоҳида шахс деб ҳисоблайсиз. Бу ҳолат сизга ўзликни ҳурмат қилишни оширадиган вазифаларни олдингизга кўйишга тўсқинлик қилади.

5-6 балл — Атрофингиздаги одамлар орасида сизга салбий муносабатда бўладиганлари борлигини билсангиз ҳам, лекин уларнинг барчаси ижобий муносабатлар, деб ўйлайсиз. Бу ҳолат сизда уларнинг муносабатларига муносиб бўлишига, ижтимоий ахлоқ меъёрларига риоя қилишга, ташқи қиёфанингизга эътибор беришга, ўзингизни назорат қилишга интилишни вужудга келтиради.

10-13 балл — Атрофингиздаги одамларнинг сизга ижобий муносабатда эканликлари тўла ишонасиз. Бу ишониш сизга ўзингизга нисбатан ҳурматингизни тобора орттиради. Сиз шахсингизни қадр — қимматлигига ишонасиз ва фаолиятингизнинг самарали бўлиши атрофингиздаги одамлардан кутаётган муносабатингизга боғлиқ. Атрофингиздагиларнинг сиз ҳақингиздаги тасаввурларини сақланиб қолиши учун доимо ўз устингизда ишлашингиз зарур.

5. Ўз шахсиятига қизиқиш устун.

«ХА» - 7, 17, 20, 33, 34, 52.

«ЙЎҚ» - 14, 51.

0-2 балл — Сиз ўзингизга (қисман ўз фикрингизга ва ҳисларингизга) ўзингиз яқин эмассиз (реал «Мен» ва идеал «Мен») афсуски, ўзингизнинг шахс сифатида бошқалар учун қизиқарсиз эканлигингиз ҳақидаги фикр мавжуд.

3-6 балл — Сиз ўзингиз билан «тенглик» асосида муомала қила оласиз, бошқалар учун қизиқарли эканлигингизни эътироф этмайсиз. Шунингдек, сиз ўзингизни атрофдагилар учун қизиқарли эканлигингизга ҳар доим ҳам ишонавермайсиз.

Ўйлаб кўринг, бу балки сизни умуман қандай бўлиш кераклигини билмаслигингиз билан боғлиқдир. Эҳтимол, сиз у ёки бу сифатларингизни қай даражада ривожланмаганлигини биларсиз ва шунинг учун атрофдагилар учун сизнинг «Мен»ингиз қизиқарли эканлигига шубҳангиз мавжуддир.

7-8 балл — Сиз ўзингизни бошқалар учун ва ўзингиз учун қизиқарли эканлигингизга ишонасиз. Бу сизнинг фаолиятингизни самарали бўлишига олиб келади.

6. Ўзинга — ўзи ишонч устуни.

«ХА» - 2, 23, 34, 42, 46.

«ЙЎҚ» - 32, 43, 44.

0-2 балл — Сиз ўз «Менингизни» салбий баҳолашни кутишга тайёрсиз.

3-6 балл — Сиз атрофдаги одамларнинг ўзингизга нисбатан муносабатлари, фикрлари ва хатти — ҳаракатларини танқидий реал баҳолайдиган одамсиз. Ўзингизга нисбатан бўладиган ички турткиларингиз сизнинг шахсий сифатларингиз ва хулқингиздан келиб чиқади.

7-8 балл — Сиз ўз «Мен»ингизни атрофдагилар томонидан кўпроқ ижобий баҳоланишни кутасиз. Бу ҳолат сизни ва ўз менингизга ижобий йўналтиради, фаолиятингизни жадаллаштиради.

7. Ўзгалардан кутилаётган муносабат устуни.

«ХА» - 1, 5, 10, 52, 55.

«ЙЎҚ» - 32, 432, 44.

0-2 балл — Сиз ўз «Мен»ингизни салбий баҳолаш кутилмасига тайёрсиз.

3-6 балл — атрофдаги одамларнинг ўзингизга нисбатан муносабати, фикр ва хатти — ҳаракатини танқидий ҳамда реал баҳолайдиган одамсиз. Ўзингизга нисбатан йўналтирилган ички турткиларингиз сизни шахсий сифатларингиз ва сифатларидан келиб чиқади.

7-8 балл — Сиз ўз «Мен»ингизни атрофдагилар томонидан кўпроқ ижобий баҳолашни кутасиз. Бу сизни

ўз «Мен»ингизга ижобий йўналтиради ва фаолиятингизни жадаллаштиради.

8. Ўзини —ўзи қабул қилиш устуни.

«ҲА» - 12, 18, 28, 47, 48, 54.

«ЙЎҚ» - 21.

0-2 балл — Ўзингиз бутун вужудингиз билан ўзингизга ёқмайсиз. Шахсий ва касбий сифатларингиз устида ўйлаб кўришингиз ҳамда ўз устингизда ишлашингиз зарур.

3-5 балл — Ўзингиз ҳақингиздаги фикрларингизда қарама - қаршилиқлар мавжуд. Ўзингизнинг «Мен»ингизда нима сизга маъқул ва нима номаъқул эканлигини аниқланг. Ўз менингиз устида ишлашингиз ўзингизга нисбатан ижобий интилишларингиз шаклланишига олиб келади .

6-7 балл — Ўзингизни қабул қилиш ўлчовингиз етарли даражада юқори. Бу ўзингизни намоён қилиш эҳтиёжингиз борлигини билдириб ўз менингизга нисбатан ижобий муносабатингизни қўллаб - қувватлайди .

9 . Ўзига ўзи раҳбарлик қилиш устуни .

«ҲА»--50, 57 .

«ЙЎҚ» - 25, 27, 31, 35, 36.

0-2 балл — Сиз ўзингизга айтишингиз зарур: «Афсуски, мени бирор айтган гапим, айнан шундай хатти — ҳаракат қилишимни билдирмайди».

3-5 балл — Сиз муваффақиятга фаолиятингиздаги маълум изчилликни таъминловчи ички муносиблик орқали эришасиз. Шунга қарамай, сизнинг «Мен»ингизда баъзи психологик келишмовчилик ҳар қалай бор. Нима учун? Эҳтимол, ҳар доим ҳам хулқингизда изчиллик нореаллиги бунга сабабдир.

6-7 балл — Сиз фаолиятга нисбатан изчиллик, ўз қобилиятингиз ва имкониятингизга ишонч, ўзини тушуниш, ўзини назорат қилиш етарли даражада намоён бўлади.

10. Ўзини айблаш устуни.

«ҲА» - 3, 4, 9, 11, 16, 24, 25, 56.

0 2 балл - Сизда ўзингизга нисбатан ҳеч қандай танбеҳингиз йўқ. Ўзингиздан кўнглингиз тўқлиги содир бўлаётган ҳодисалар учун жавобгарликни соқит қилишни ва жавобгарлики ташқи омилларга юклашга мойиллигини келтириб чиқаради. Ўзингизга танқидий қарашга ҳаракат қилинг.

3 6 балл - Сизни ҳар доим ҳам ўзингиздан кўнглингиз тўлавермайди ва бу ўзингиздаги мавжуд хислатларингизга мос келади. Кўпинча одамда ўзини — ўзи баҳолаш қарама - қаршиликлардан иборат бўлади. Шунингдек, ўзини психологик ҳимоя қилиш ўз айбини эътироф этишдан ташқари ташқи сабаблар орқали ўзини оқлашдан холи эмассиз.

7 8 балл - Сиз ўзингизни танқид қиласиз, виждонсиз, ўзингизни камситишга, «айбдор» деб ҳис қилишга, ўзига - ўзи танбеҳ беришга мойиллик бор. Бу ҳолат ўз имкониятларингизни паст баҳолашни вужудга келтиришнинг туфайли ҳар доим сизнинг фаолиятингизга ижобий таъсир этмайди.

II. Ушбу ўзи қизиқишни ифодалайдиган устун.

«ХА» - 17, 20, 33.

«НУҚ» - 26, 30, 49, 51.

0 2 балл - Сиз ўзингиз учун қизиқарли эмассиз, чунки ўзингизнинг кўпгина шахсий хусусиятларингизни салбий баҳолайсиз. Бу сиз учун бошқаларга ҳам қизиқарсиз бўлишингиз омилга ҳисобланади.

3 5 балл - Сиз атрофингиздаги одамлар учун ҳам, ўзингиз учун ҳам маълум даражада қизиқарлисиз. Ваҳоланки, сизда шахсий хусусиятларингиздан ва иш сифатларингиздан қониқмаслик бор. Бу камчиликларингиз устида ишлаш ва сизни ўзингизга танқидий муносабатда бўлишингиз ўзингизни такомиллаштиришингизнинг асосий йўлидир.

6 7 балл - Сизнинг «Мен»ингиз сизни етарли безовта қилади. Сиздаги ўзига — ўзи қизиқиш юксак даражага эга бўлиб, ўзини — ўзи севишга айланган. Умуман олганда, бу ёмон эмас, агар ушбу фаолиятни

бажарилиши жараёнида намоён бўладиган юқори даражадаги маҳорат билан уйғунлашган бўлса, зотан атрофингиздаги одамларнинг сизга нисбатан танқидий муносабатлари ва ўзингизга юқори баҳо беришингиз заминида юзага келиши мумкин бўлган низоларни олдиндан билишингиз сизга халақит бермайди. Кўпроқ инсонпарварлик ва фаолиятингиздаги назорат сиз учун фақат фойдалидир.

12. Ўзини – ўзи тушуниш устуни.

«ХА» - 53.

«ЙЎҚ» - 6, 8, 13, 15, 22, 40.

0-2 балл – Сизда аниқ ички изчиллик, ёрқин тасаввурлар, ҳислар ва ғоялар йўқ. Ўзингиз билан ўзингиз ёмон муносабатдасиз.

3-5 балл – Ўзингиз билан ўзингиз юқори даражада келишасиз деб айтиб бўлмайди. Лекин сизда ўзингизни тушунмаслик намоён бўлмайди. Ўзингизга ижобий муносабатни қувватлаш тактикаси сизни ҳаётингизда ҳокимлик қилади.

6-7 балл – Сиз ўзингиз билан руҳан келишган ҳолда яшайсиз.

Шундай қилиб, сизнинг тўпланган йиғиндингиз куйидаги рақамни ташкил қилса:

0 баллдан 52 баллгача, бу кўрсаткич ўзингизга салбий муносабатда эканлигингизни билдиради. Бу ҳолат нисбатан барқарор бўлган, озми ёки кўпми даражада англанган, индивиднинг ўзи ҳақидаги тасаввурларининг бетакрор тизими сифатида ҳис қилинган. «Мен-концепцияси»ни салбий йўналишда намоён бўлишига таъсир қилади. Ваҳоланки, бунинг заминида, сизни атрофдагилар билан ўзаро таъсирингиз ва ўзингизга муносабатингиз шаклланади. «Мен - концепцияси» ички қарама - қаршиликларда ҳал бўлмаган шахсий «Мен»нинг яхлит образидир.

Салбий Мен – концепциясига эга бўлган одамлар ортиқча ваҳималилиги, тез хафа бўлиши, ўзини камситишига ва эътироф этишга мойиллиги билан ажралиб турадилар. Улар учун мулоқот билан,

ижтимоий шахсий масалалар билан боғлиқ бўлган қийинчиликлар характерлидир.

Юқорида баён этилганлар, уларнинг педагогик фаолиятига салбий таъсир ўтказмай иложи йўқ. Шунингдек, «Мен - концепцияси» билан касбий фаолият самародорлиги ўртасидаги муносабатни уларни ўзаро боғланиш тизимини ўрганмасдан туриб, аниқ айтиб бўлмайди.

53 баллдан 105 баллгача: Бу кўрсаткич касб эгасининг «Мен - концепцияси»ни ва ўзига муносабати ижобий эканини кўрсатади. Атрофингиздагилар орасида сиз айтарли даражада обрўлисиз. Битирувчиларингиз сизни узоқ вақтгача унуттирмайди. Қўл остингиздагилар хотирасида шундай қиёфада сақланиб қоласиз; «ҲА, бизнинг бошлиғимиз ҳаққоний, руҳмдил эди, одамларга ғамхўрлик қиларди», «У ўз касбини яхши биларди, муомалани яхши ташкил қилар эди, кўтаринки руҳини сақлаб қоларди», «Унинг гуруҳида илиқ, ёқимли шароит мавжуд бўлиб, ҳамма қизиқиб ишларди», «Бизни деб, у жуда кўп танбеҳ ва гап эшитарди, биз уни тушунарлик ва ўзимизни тузатишга ҳаракат қилардик». «У бекорчиларни ёқтирмас эди ва камдан - кам » ўзидан чиқарди ва ҳоказо.

Одатда одамлар билан муомала қилишни биладиган бундай касб эгаси обрўли бўладилар. Шу билан бирга, эгилувчанлигини ва эксперимент ўтказишга инсбатан қизиқиш мустаҳкамлаш, мақсадга мувофиқ бўлиши, ўзига ижобий муносабатни ва ўзини ҳаққоний баҳолашни такомиллаштиради.

106 баллдан 134 баллгача: Касб эгасининг «Мен - концепцияси» ва ўзига муносабати жуда ёқади. Турган гап, бундай касб эгалари ўз хулқи ва фаолияти натижалари ижобий бўлишига ишонадилар, лекин ҳар доим шундай эмас.

Ўзининг юқори даражада идрок этишингиз, шахсларни камситиш, уялтириш ўзига ишончини йўқотиш мумкин. Баъзан ўзига юқори баҳо берадиган касб эгасининг лоқайдлигини намоён қилиб, ҳаддан

ташқари ҳукмронликни яхши кўрадилар. Шундай қилиб, касб эгасининг ўзига юқори баҳо бериши ўқувчиларнинг «Мен - концепцияси» бошлиқ учун салбий бўлишига олиб келади. Балки ўзингизга нисбатан талабчанликни, ҳурматни, ички келишувчанликни бўшаштирмай, маҳорат даражасини эгаллагандирсиз, қўл остингиздагиларни ҳам имконият ва билимларини тўғри баҳолашга ва уларни муваффақиятга, ижобий «Мен - концепцияси»га унданг.

Ҳаётнинг инъомини кутиб ўтирмасдан,
уни ўзимиз яратишимиз керак.

Л.Н.Толстой.

IX БОБ. РЕОРИЕНТАХИЯ ПСИХОЛОГИК МУАММО СИФАТИДА

Психология фанида касб танлашга йўллаш (профориентация) атамаси қадим замондан қўлланиб келинади. Лекин ижтимоий ҳаётнинг кейинги даврларида бошқа бир атама фанимизга кириб келди, у реориентация (қайта йўллаш) деб аталиб, инсонни янги бир мослашмага (кўникмага) касбга йўналтиришни билдириб келади.

Қайта касбга йўллаш (реориентация) ўта инсонпарварлик (гуманистик) ғояни касбини ўзгартирувчи ёки ишсиз қолган шахс руҳиятига сингдиришни ангалтади. Ишлаб чиқаришга автомат қурилмаларнинг (электрон мосламаларнинг, роботларнинг) кириб келиши иш ўринларининг қисқаришига олиб келади. Муассаса, ташкилот, корхона рентабеллигининг пасайиши ҳам ходимларга нисбатан эҳтиёжнинг камайишини келтириб чиқаради. Маълумки, бозор иқтисодиёти рақобатга асосланади, шунинг учун тестларга бардош берувчи, юқори малакали, маҳоратли, билимдон, комил инсонгина синовлардан муваффақиятли ўта олади, холос. Ўртамиёна даражадаги мутахассислар эса иш ўрнини йўқотиб, вақтинча ишсизлар рўйхатиغا киради.

Шунинг билан ўзини йўқотини аёлларда ўқинчилик (сонини) ҳам тушунлар қобилида ўта мураккаб кечини тўқини трагедия, ҳалоқат, жудолик вужудга келтириш ҳам эвтриверлик, ҳам интровертлик хусусиятлари уйғунлашганидай юл беради. Эркаклар эса бундай вазиятларга катталик билан, иложи борича ҳиссиятларга берилковдан ақл шаклини маромларига тортиланлик тушунга устуворчилигида намоян бўлади. Эркакларда ақинини ҳафаконлик кечинмалари тартида ҳукм сурини, аста секин унинг таъбир кучи пасайини кузатилади. Бунава инсонини руҳий кечинмалари кескин ўзгаришининг асосий омиллари сифатида унинг иш даври ва ёши ижтимоий муаммо майдонига чиқади. Ёшнинг улгайини янги муҳит, ўйлаш шароити, нотаниш жамоа ва унинг туғуни каби мисалалар ечимига салбий муносабатни келтириб чиқаради. Маъқур объекта узюк давр меҳнат фаолиятини бағишланш ҳам фрустрация ҳолатини ҳаракатлантирувчи сафида асосий роль ўйнаши мумкин. Хуллас, ҳар иккала омил ҳам фрустрациянинг манбаи вазифасини ўтайди (бажаради), нохуш муваққат кечинмалар вужудга келиши, кечини, ривожланиши жараёнларини узлуксиз равишда бажариб туради.

Ҳозирги замон меҳнат биржаларида реориентация (қайта касбга йўллаш) ишлари олиб борилиши марказлаштирилган. Махсус ходилар компьютер хотирасига жойлаштирилган шаҳар, туман бўйича ихтисослар бўйича ёки ихтисослараро мутахассислар рўйҳати (зарурияти, эҳтиёжи, талаби) билан иш излаб келган муҳтож шахс таништирилади. Аксарият меҳнат биржаларида психологлар етишмаганлиги туфайли иш билан таъминлаш, бўш ўринларни тўлдириш билан шуғулланилади, холос. Аслида эса бу хизмат қатор омилларни текшириш, ўрганишни тақозо этади, илмий психологик қонуниятлар асосида иш юритишни талаб қилади, чунончи:

1. Шахснинг фазилатлари, характерологик хислатлари.

2. Хиссий жабҳалари ва иродавий сифатлари.
3. Инсоннинг когнитив ва регулятив имкониятлари.
4. Эҳтиёжи, мотиви, мотивацияси, мотивировкаси.
5. Касбий майли, қизиқиши, лаёқати.
6. Профессиограмма талабларига мослиги, касбий яроғлиги.
7. Иқтидори (истеъдоди), қобилияти, салоҳияти.
8. Касбий билимлари, кўникмалари, малакалари, маҳорати.
9. Умумий савияси, дунёқараши, маслағи (эътиқоди).
10. Саломатлиги, жинсий хусусиятлари, ёши.
11. Изланувчанлиги, ижодий имкониятлари, инновацияга нисбатан муносабати.
12. Ижтимоий етуқлиги, ташкилотчилик қобилияти.
13. Экстровертлиги ва интровертлиги.
14. Юксак инсоний туйғуларга (ахлоқий, ақлий, нафосат, праксик) эғалиги.
15. Фидоийлик, альтристик, ватанпарварлик фазилатлари усутворлиги ва бошқалар.

Юқорида санаб ўтилган мезонлар бўйича текшириш ишлари бир нечта методлар, методикалар орқали кўп серияли тажрибалар негизида амалга оширилади. Бунинг учун тестлардан қобилиятга, шахсга, ижодиётга, хотирага шахслараро муносабатга (оид), махсус ишлаб чиқилган материаллардан, мақсадли вазиятлардан қийинлаштирилган топшириқлардан, муаммолардан психологик тренинглардан, психодрамалардан ва бошқалардан фойдаланилади.

Олинган натижалар сифат ва миқдор жиҳатдан таҳлил қилингандан кейин муайян хулосалар чиқарилади. Хулосалар асосида реориентация субъекти розилигида ишга муҳтож шахс таклиф қилинган касбга йўналтирилади. Иш жойининг масофаси, унинг экологияси, сангигиенаси, маоши, истиқболи, муаммоли жиҳатлари юзасидан мукамал фикр алмашинилади, токи шартнома қонуний хужжат эканлиги (қийматига) зарар келтирмасин (баъзан

келинувчи ҳолатнинг ҳосиллари уни раъйиб тургани)
Психологнинг таълим-тарбияси турмушнинг таралишида,
реориентацияда (қайта таълимнинг асослари) ва бундан
бошқаришнинг таралиши билан боғлиқ ахир-охида
фурқатга (муваффақиятнинг боғлиқ тартиб-мулоҳиза)
даражаси раъйиб тургани. Ҳаммадан ташқил маториф,
касба-ҳунарни, касба-тарбиянинг таълим-мулоҳиза
тезкорлиги, муаллимнинг ўзини хос мулоҳизалари билан
тавсиялариди. Анниқлаётгани таълим-мулоҳиза тартиб-мулоҳиза
хос тарзда кетгани, бир бошқаришнинг билан шикоят,
узғин боғланиб кетгани. Касбнинг моҳирлиги (неқисодлиги)
томони, ижтимоий фаолият (нуфузга эгалик), маънавий
таъминланганлик (руҳий кўтаринкилик ҳиссиётининг
устуворлиги) инсоннинг қайтатдан ижтимоий ҳаётдан ўз
ўрнини топиш имконини яратгани, унинг умрини
узайтиради, руҳий имкониятлари, заҳиралари,
потенцияси, резерви ишга тушишига пухта негиз
ҳозирлайди.

Реориентация (қайта касба йўллаш) гуманистик
психология таълимларини турмушга татбиқ этишга
зарур шарт — шароит яратгани. инсон омилини
қадрлашга, бутун имкониятларини рўйбга чиқаришга,
эзгу ният, орзу ҳавас, истак — хоҳиш ушалишга негиз
вужудга келтиради. Кўп профилли касб — ҳунарга эгалари
сафини кенгайтиришга хизмат қилади, комилликка
интилиш туйғусини жонлантиради, зарур билимлар,
малакалар билан қуроллантиришга туртки беради.

Реориентация инсон имкониятини қайтатдан
синашнинг манбаи ҳисобланиб, ўзини ўзи кашф
қилиши, ўзини — ўзи бошқариши, ўзини ўзи
ташқиллаштириш, ўзини—ўзи баҳолаш, ўзини—ўзи
рефлексиялаш, ўзини—ўзи идентификациялаш каби
шахс фазилатларини рўйбга чиқаришга хизмат қилади.

Х БОБ. КАСБ ПСИХОЛОГИЯСИ ФАНИНИНГ ДАСТУРИ.

1 - Мавзу. Касб психологияси предмети

Касб психологиясининг илмий тадқиқот предмети, вазифалари ва аҳамияти. Касб психологиясининг бошқа фанлар билан алоқаси. Касб психологиясининг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни. Касб психологиясининг тарихи. Касб психологиясида жинс ва ёш хусусиятлари муаммоси, унинг ечимини топиш борасидаги изланишлар.

2 - Мавзу. Касб психологиясининг илмий тадқиқот методлари.

Касбнинг психологик моҳиятини очишда фанлар интерациясига асосланувчи комплекс (мажмуавий) методлари: генетик ҳолатни, ишчанлик қобилиятини ўрганувчи услублар. Биометрия, биоритмика мезонлари, ўлчовлари. Кузатиш ва ўзини – ўзи кузатиш. Сухбат, интервью, сўровнома, варақа (анкета). Таржимаи ҳол. Меҳнат маҳсулини таҳлил қилиш. Эксперимент (табиий, лаборатория). Социометрия. Тест (касбий лаёқатни аниқловчи инвариантлар). Проектив методлар. Касбга яроғлиликни белгиловчи услублар.

Математик статистика методлари (мода, медиана, унификация, ўрта арифметик қиймат, ўртача квадрат оғиш, корреляция, дисперсия, Хи-квадрат, Стьюдент критерийси, Паскал учбурчаги, факторли (омилли) таҳлил).

Эмпирик материалларнинг сифат таҳлили. Натижаларни талқин қилиш (интерпретация).

Натижаларнинг ва методикаларнинг ишончлилиги, валидлиги ва репрезентативлигини аниқлаш усуллари.

1 - Мавзу. Професснография (професснограмма)
Умуманда умумий тушунча.

Професснография (професснография) тарихи:
келиб чиққан тарафлари имкониятлари,
такомиллашган. Ўзбекистонда ҳақда тушунча.
Професснографиянинг тушуниши ва унда хос
хусусиятлари ва унинг ўзини биология, тиббий,
педагогик, психология тартиплари
Професснографиянинг психология сифати Касбнинг
шахс оғини тушуниши тарафлари ва уларнинг
хусусиятлари тасвифлари
Професснограмма (професснография) тарифи
Касбни тарафлари сифатлар рани баранини
Уларнинг биологик, педагогик, сошиология, филология
психология моҳияти, асослари ва манбалари

**4 - Мавзу. Касб танлашга йўллашнинг психологик
моҳияти.**

Касб танлашга йўллаш психологик муаммо
сифатида. Касб танлашга йўллашнинг тадқиқот тарихи.
Касб танлашга йўллашнинг таркибий қисмлари,
тузилиши ва таърифи: касб маорифи, касб танлашга
йўллаш, касбга саралаш, касб адаптацияси, касбий
камолот (шаклланиш).

Касб танлаш назариялари ва амалиёти. Касб
танлаш босқичлари ва уларнинг психологик тасвифи.

Касб танлаш мотивлари ва уларнинг психологик
моҳияти. Касб танлаш мотивировкаси. Мотивларнинг
адекватлиги, объективлиги.

Касбий мотивларнинг анланганлик ва
анланмаган даражалари. Касбий мотивациянинг
этнопсихологик хусусиятлари.

**5 - Мавзу. Касбларнинг психологик таснифи
(классификацияси) ва унинг моҳияти.**

Касбларни таснифлаш (классификациялаш)нинг
психологик асослари, манбалари ва омиллари,
Е.А.Климов таснифи ва унинг психологик

тавсифланиши. Касбларни гуруҳларга ажратишнинг ўзига хослиги масалалари. Касбий тайёргарликнинг психологик асослари, жабҳалари ва ўлчаш мезонлари.

Касбий билимлар, кўникмалар ва масалалар. Уларни эгаллашнинг ўзига хос хусусиятлари. Уларнинг тузилиши, схемаси, графикаси тўғрисида мулоҳазалар. Мутахассисларни тайёрлашнинг ихтисосий жиҳатлари, томонлари ва дақиқалари.

6 – Мавзу. Касбий фаолиятнинг психодиагностикаси.

Касбий фаолият психодиагностикаси ҳақида тушунча. Касбий фаолият психодиагностикаси таърифи. Касбий фаолият моҳиятини ўрганувчи (текширувчи) методларнинг мазмуни. Касбий фаолиятнинг тузилиши ва таркибий қисмларини таҳлил қилиш. Касбий фаолиятни эгаллашнинг босқичлари – касбий фаолият муваффақиятига эришувнинг самарадорлиги. Касбий фаолият муваффақияти ва муваффақиятсизлигини аниқлаш мезонлари. Касбий фаолиятни баҳолашнинг шакллари ва уларнинг психологик тавсифи. Обьектив, адекват, субъектив, эксперт баҳолашларнинг мазмуни, талқини.

7 – Мавзу. Касбий фаолият даражалари ва кўрсаткичларини текшириш йўллари.

Касбий фаолият даражаларини аниқлаш усуллари ва йўллари. Касбий фаолият шаклланганлигининг кўрсаткичлари ва уларнинг изоҳи. Тестлар – касбий фаолиятни текшириш мезони сифатида. Тестларнинг ўзига хослиги ҳақида мулоҳазалар. Тестлар ва уларнинг ишончилиги, валидлиги, репрезентативлиги. Уларнинг ўзига хос хоссалари.

Касбий фаолиятни ўзлаштиришда тренингнинг роли. Машқ, тренировка, тажриба ва касбий фаолият мукамаллиги. Касбий фаолият ва касбий маҳорат. Касб танлашга йўллаш, идентификация, рефлексия.

И. Айтиш Касб таълимини йўқолишини умумий асослари

Касб таълифини юз унинг моҳияти, мазмуни,
шакллари Касб таълимни йўқолишини психологик
моҳияти Касб таълимни йўқолишида психологик
маслаҳатларнинг роли. Еттидан сарфларининг психологик
таъсифи. Еттидан сарфларининг бошқарушининг психологик
хусусиятлари. Еттидан сарфларининг таълимнинг ушда
хослиги. Унинг бошқаруши ва уларнинг касблари.
Касб таълимнинг психологик моҳияти.

Касб таълимни йўқолиши амалий психологининг
роли ва функциялари.

Касб таълимни йўқолиши тўғрисида психолог таълим
маркаларининг аҳамияти ва вазифалари.

Касб таълимнинг таълим ва таълим омилиларининг
психологик таъсифи. Касб мотивларининг уларнинг
методикалари ва уларнинг мазмуни.

9 – Маъруза. Реориентация психологик муаммо сифатида.

Реориентация (қайта касбга йўллаш) психологик
муаммо сифатида талқин қилиниши. Реориентация ва
профориентация. Реориентация ва шахснинг
характерологик хусусиятларини ҳисобга олиш.

Шахснинг касбий имкониятларини ўрганишнинг
методлари ва методикалари.

Реориентация вужудга келишининг объектив ва
субъектив шарт – шароитлари.

Реориентация комилликнинг муҳим омили, шарт
сифатида.

Касб мотивлари, касбга қизиқиш, касбий лаёқат
ва уларни текшириш методлари.

Машқ, тренинг, тренировка, тажриба касбий
мослашишнинг муҳим омиллари эканлиги.

10 — Мавзу. Касб танлашга таъсир этувчи асосий омиллар.

Касб танлашга индивидуал ёндашув. Касбга йўллаш тизими ва унинг асосий қисмлари. Ўқувчиларни касб танлашга ўргатишда ўқитувчилар жамоаси фаолиятининг роли.

Синф раҳбарининг ота — оналар билан ишлаши касб маорифи сифатида. Ёшлар ташкилотларининг касб танлаш жараёнида иштироки.

Синфдан ва мактабдан ташқари ишлар касбий тасаввурларни таркиб топтириш омили эканлиги.

Мактабдан ташқари махсус муассасалар касб танлаш ва касбий маҳорат манбаи сифатида.

Ўқув фанларининг касбга йўллаш имкониятлари. Меҳнат таълими тизимида профессиограмманинг ўрни.

Касбга йўллашда маҳаллий матбуот, радио, телевидение, учрашувлар, кинофильмлар ва бошқа воситаларнинг таъсири.

МУЎДАРИЖА

Кирин	3
I. Боб. Касб-хунар танлашнинг ижтимоий тарихий ва методологияси	5
1.1. Ишончли касб танлашга йўналтириш ижтимоий методологияси	5
1.2. Бувоқ аждоқларимиз касб-хунар тўғрисида	11
II. Боб. Касб психологиясининг тадқиқот методлари	16
2.1. Кушнинг методлари	16
2.2. Тест методлари	21
2.3. Биография ва анкета методлари	28
2.4. Социометрия методи	30
III. Боб. Касбий лаёқат тапхиси	33
3.1. Касбий лаёқатни аниқловчи тестларнинг ишончлилиги	33
3.2. Шахс психодиагностикаси	35
3.3. Касбий психодиагностика	39
IV. Боб. Касб танлашга йўллашнинг психологик моҳияти	45
4.1. Касб танлашга таъсир этувчи асосий омиллар	45
4.2. Ўқув фаолияти ва касб мотивацияси	54
4.2.1. Ўқув фаолияти мотивлари тўғрисида мулоҳазалар	54
4.2.2. Мотив классификацияси	58
4.2.3. Мотивлар ва уларнинг мутахассислар тайёрлашга таъсири	60
4.3. Касб ва қизиқиш	62
V. Боб. Профессиография тўғрисида умумий тушунча	71
5.1. Профессиографиянинг психологик асослари	71
5.2. Касб танлашнинг умумий масалалари	74
5.3. Ўқитувчилик касбининг умумий масалалари	80
VI. Боб. Касбий тайёргарлик ва илк ўспиринлик	83
6.1. Ўқитишнинг фаол методлари касб танлашнинг асоси эканлиги	83
6.1.1. Программаланштирилган ўқитиш методи	83
6.1.2. Муаммоли ўқитиш методи	85
6.1.3. Ҳамкорликда ўқитиш методи	86
6.1.4. Таълимни бошқариш методи	89
6.2. Илк ўспиринлик психологияси	91
VII. Боб. Касб ва шахс психологияси	103

7.1. Касб ва шахс.	103
7.2. Касбий етуклик ва шахс комиллиги.	105
7.3. Шахсий фазилатларнинг касб танлашдаги роли.	117
VIII. Боб. Касбий фаолиятни баҳолаш.	127
8.1. Раҳбар фаолиятининг ижтимоий психологик тавсифи.	127
8.2. Касбий фаолиятни психологик баҳолаш тести.	133
IX. Боб. Реориентация психологик муаммо сифатида.	144
X. Боб. Касб психологияси фанининг дастури.	148

